Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 6 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 32 (7029)

Da'vat

Улуғ йўл кутаётган бўлса, сусткашлик жиноятдир.

Шота РУСТАВЕЛИ

Ibrat

Яқинда Франция элчихонаси томонидан утказилган «Биз «Франция-98»га борамиз» курик-танловида Фарғона Давлат дорилфунуни талабаси Мавлудахон Каримова ғолиб чиқди. Энди француз тилини мукаммал эгаллаган талаба афсонавий Париж шаҳрига сайру саёҳат қиладиган бўлди.

• Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин таклифига биноан давлат ташрифи билан Россия Федерациясига жўнаб кетди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг «Сюкорски эйркрафт» компанияси президенти ва ижрочи директори Южин Бакли ҳамда «Юнайтед текноложиз» корпорациясининг халқаро масалалар бўйича катта вице-президенти Рут Харкинни қабул қилди.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Нарешвар Даял бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов билан учрашди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 5 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилаб, 1 АҚШ доллари 86 сўм 14 тийин миқдорига тўғри келишини маълум қилди.

• 1989 йили Пекин шаҳрида бўлган талабалар намойиши ҳукумат қўшинлари иштирокида кескин бостирилганлиги боис АҚШ томонидан қўлланилиб келган Хитойга нисбатан иқтисодий жазо чоралари бекор қилиниши мумкин, деди АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт ушбу мамлакатга ўз сафари чоғида.

• Германияда ҳибсга олинган 19 нафар сўл партия аъзолари Лейпциг шаҳрида неонацистлар намойишини ташкил этишга уринганликда айбланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС XI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

ҚОНУНЛАРИМИЗ ДЕҲҚОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Ҳурматли халқ ноиблари!

Аввало мана шу фурсатдан фойдаланиб, ҳозир қабул қилинган қонунларнинг шундай катта ҳурмат, катта қизиқиш билан муҳокама қилинганидан мамнуният изҳор этмоқчиман. Чунки шу қонунларнинг моҳиятига ҳар томонлама етиб бориб, сиз депутатларнинг ва сиз орқали жамоатчилигимиз, айниқса, қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг бу масалага муносабатини инобатга олсак, уларнинг ўз вақтида қабул қилинганини яна бир бор таъкидлаш зарур.

Мен бу ҳолни мазкур ҳужжатларнинг ҳаётимизни ўзгартиришда, керак бўлса, тақдиримизни ҳал қиладиган масалаларни ечишда жуда катта аҳамиятга эгалигининг яна бир яққол тасдиғи деб биламан. Шу ўринда бир нарсага эътибор бердим. Бу тўртта қонунни, яъни Ер Кодексини, Қишлоқ хўжалиги ширкати, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларни қабул қилаётганда биронта депутат қарши овоз бергани йўқ. Бу ҳам мен ҳозиргина айтган гапнинг далили. Сизлар ҳам шу масалаларни жойларда муҳокама қилаётганда, уларнинг бугунги ҳаётимиздаги аҳамиятини чуқур англаб, мана шу қарорларни ўз вақтида қабул қилаётганимизни яхши ҳис этганингизнинг далолати десак, хато бўлмайди.

Умуман айтганда, бу қарорлар тўртта муҳим масалани ечади.

Биринчи масала — бу қишлоқ хўжалигида мулк масаласидир.

Иккинчи масала — деҳқонларнинг, қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш, мустаҳкамлаш масаласи.

Учинчи масала — бу қонунлар орқали қишлоқ жойларда, керак бўлса, бутун иқтисодимизда бу борадаги ишларни мутлақо янги асосда ташкил этиш, бугун замон талаб қилаётган услубларга ўтишдир.

Тўртинчи, энг муҳим масала, мен алоҳида урғу бериб айтмоқчиманки, бу қонунлар Ўзбекистонда янги синф, янги тоифа — мулк эгалари пайдо бўлишига мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

Ана шу масалаларнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини англасак, ўйлайманки, биз жуда катта иш қилган бўламиз. Лекин ҳозирча қилган ишимиз — бу борада қилиниши зарур бўлган ишларнинг фақатгина 5О фоизидир.

Яна такрор айтаман, бу ишнинг ярми, холос. Бунда мен нимани назарда тутяпман? Кимки, мана, қонунларни қабул қилдик, эртага қишлоқ хўжалик соҳасида мутлақо бошқача ҳаёт бошланади, эртага ўз-ўзидан ишимиз бошқача ташкил қилинади, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бошқача услуб ишлатилади, деб ўйласа, бу жуда катта хато бўлади. Агарки қонунларда кўзда тутилган мақсадларга эришмоқчи бўлсак, авваламбор, ташкилий ишларни — бу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ишларини қатъият билан амалга оширишимиз керак. Агар эртага, бу бизнинг тажрибамизда бор, тарихимизда бор, мана энди қонун қабул қилинди, деб кампаниячиликни бошласак, вилоятларда, туманларда кечаги колхозларни тезлик билан ширкат хўжалигига айлантириш, тузиш масаласида мусобақага ўтиб кетсак, бу ҳозир қабул қилинган қарорларни бутунлай обрўсизлантирадиган қадам бўлади.

Такрор айтаман: агар биз шошилиб, пала-партиш иш тутиб, масаланинг у ёқ-бу ёғини чуқур ўйламасдан, етарли шароит ташкил қилмасдан, ташкилий масалаларни ечмасдан ширкат хўжаликларини тузишга ўтсак, мен яна бир бор сизларга қарата, сиз орқали бутун халқимизга, деҳқонларимизга қарата айтмоқчиман, бу мутлақо нотўғри, аҳмоқона иш бўлади. Фикримча, мана шу масалаларни ечиш учун баъзи бир муҳим шартларга эътибор бериш керак. Бу шартлар нимадан иборат?

Биринчи шарт шундан иборатки, мана шу қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилганда, жойлардан жуда кўп хатлар, тавсиялар, одамлар ўз муносабатини билдирган изоҳлар, маърузачи таъкидлаганидек, уч мингдан ортиқ таклиф тушди. Шу масала телевидениеда муҳокама қилинаётганда мен шунга эътибор бердимки, жойлардан деҳқонлар қўнғироқ қилиб шу масалаларга қизиқиш билдирди. Баъзи бир моддаларни тушуниш, англаш бўйича турли саволлар беришди. Бу ҳам одамларнинг шу қарорларни кутганини билдиради. Демак, агар биз мана шу қонунларни амалга оширмоқчи бўлсак, самарасини кўрмоқчи бўлсак, жойларда **уларни тарғибот қилиш ишларини яхши йўлга қўйишимиз лозим.** Авваламбор, муҳим қонун бўлмиш «Ер Кодекси»ни, нафақат деҳқонлар, мана шу ерга алоқаси бўлган амалдорлар, балки мана шу масалани ечадиган барча мутахассисларга мазкур қонунларнинг асосий талабларини, моҳиятини етказишимиз керак. Токи бу қонунлар бизга нима беради, деган масала ҳар бир одамнинг онгига етиб борсин.

Иккинчи шарт шундан иборатки, ишни шу қонунлар асосида ташкил қилмоқчи бўлсак, жойларда ишлайдиган, маҳсулот етказиб берадиган, қадоқ қўллари билан бизларни боқадиган деҳқон қонунни жорий этишда албатта қатнашиши, ўз фикрини билдириши керак. Тепадан туриб кўрсатма бериш билан иш битмайди. Хўжалик тақдирини фақат раҳбарлар, бригадирлар, звено бошлиқлари, мутахассисларни тўплаб, тор даврада ҳал этсак, қарор қабул қилсак, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларимизни бутунлай йўққа чиқарган бўламиз.

Яна такрорлайман: **ислоҳот жараёнида оддий деҳқон, албатта қатнашиши, масалалар моҳиятини чуқур англаб, бу тадбирлар эртага унинг ҳаётига, оиласи, хонадонига нима беришини аниқ билиши шарт. Мулк шаклини ўзгартириш мусобақага айланмаслиги керак.**

Яна бир муҳим масала. Ер ҳажми, сифати, нуфузи, шароити турлича бўлган вилоятларда ягона мезон билан ёндошсак, қош қўяман деб кўз чиқармаймизми?! Пайчиларга дивиденд бермоқчи бўляпмиз. Эрта ширкат хўжалигига айланадиган жамоа хўжалиги бойлигини қандай аниқлаймиз? Хўжаликнинг асосий бойлиги нима? Ер ва ерга ишлов берадиган ускуналар, тракторлар, бошқа техника турлари, иморатлар ва шунга ўхшаган қурилишлар. Амортизацияга қараб техника баҳосини белгилаш мумкиндир, лекин ернинг баҳосини қандай аниқлаймиз? Андижонда ер қанча туради-ю, Сурхон ва Қашқадарё воҳасида қанча? Нафақат ер баҳоси, нафақат ер унумдорлиги, ер бонитети, балки бу ёқда одамлар нечоғли зич яшаётганини ҳисобга олган ҳолда, одамларга ер бўлиб беришда қандай меъёрларга амал қилиш керак? Буни алоҳида инобатга олмасдан қонунни ҳаётга татбиқ қилиб бўлмайди, деб ўйлайман.

Ер Кодексини қабул қилдик, ер кадастрини эртага тасдиқлаймиз. Лекин бу қонунларда кўрсатилган, белгиланган талаб ва шартларнинг бажарилишини ким назорат қилади? Ер кадастри устидан назорат қилувчи, унинг талабларини амалга оширувчи, сўраб-суриштирувчи, пайдо бўлаётган масалаларни холисона ҳал қилувчи, жамоатчилигимиз эътиборини шунга жалб қилувчи масъулиятли махсус бир ташкилот — қўмита керак. Яъни, ер умумий бойлигимиз экан, умумий бойлик устидан назорат қилувчи орган керак.

Деҳқон хўжаликлари тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман. Деҳқон хўжалиги нима асосда, қандай заминда пайдо бўляпти? Авваламбор, томорқалар заминида. Бу масала бўйича ҳозир қабул қилган қонунимизда деҳқон хўжаликлари бўйича янги имтиёзлар белгилаб берилган. Лекин бу имтиёз ва имкониятларни амалга оширишда ҳар бир вилоят, ҳар бир туманда керакли шарт-шароит борми-йўқми, буни ҳам тўғри тушуниб ҳал қилишимиз керак.

Бу масалани ечишда ҳамма жойда авваламбор адолат бўлиши керак. Ер ажратишда бир деҳқон хўжалигига 35 сотих, биттасига, айтайлик, 15 сотих бериш ва учинчисига ҳеч нарса бермаслик — бу адолатни бузиш дегани. Эртага норозилик келтириб чиқарадиган қарор ва тадбирлар бизга керак эмас. Шу сабабли бу масалаларни ҳар томонлама, пухта ўйлаб кўришимиз керак.

Деҳқон хўжалигининг асосий мақсади, манфаати, аҳамияти шундан иборатки, деҳқон хўжалиги эртага маҳсулот — товар чиқарадиган бўлса, яъни ўз маҳсулотини бозорга олиб чиқадиган бўлса, шу масалада давлатнинг юкини енгил қилади. Деҳқон хўжалиги ўзини-ўзи боққан тақдирда ҳам бундай хўжаликларнинг афзаллигини қадрлашимиз ва қўллашимиз даркор. Шу билан бирга, бугун деҳқон хўжалигини қонунлаштириб, эртага унинг эгаси нафақа олиши, пенсия олиши учун имконият яратяпмиз. Шу тадбир, йўллар билан ишсизликнинг олдини оляпмиз. Буни ҳам тарғибот қилишимиз, халқимизга тушунтиришимиз керак.

Шундай қилишимиз керакки, келажаги йўқ, самара бермайдиган, инқирозга дуч бўлган колхозларни тарқатиб юбориб, ерни одамларга бўлиб беришимиз керак. Хўжалик юритишнинг мана шу услубига ҳам йўл очиб берайлик. Барака топкур, ишсиз юрибсанми, мана сенга томорқа, мана сенга қонун. Қонун асосида томорқа олдингми, деҳқон хўжалигини ташкил қил, бориб рўйхатдан ўт, имтиёзлардан фойдалан. Қолгани ўзингга боғлиқ: ўзингни боқ, оилангни боқ, бўйдоқ бўлсанг турмуш қур, фарзанд кўр, даврингни сур, бахтингни кўр. Такрор айтаман: давлат фақат имконият туғдириб беради, у ёғи ўзингга боғлиқ, ўзингга ҳавола. Шундан кейин ҳам ишинг юришмаса, ўзингдан ўпкала!

Хуллас, биз одамларни ҳаракатга келтиришнинг барча йўлларини ўйлаб кўришимиз керак. Шундай хўжаликлар борки, у ерда, айтайлик, юзта текинхўр маош олиб ётибди, раис ҳам амалдор, коровул ҳам амалдор. Чунки маош олади! Ер самара бермаяпти, лекин амалдорларни боқяпмиз. Шунақа хўжаликларнинг ерларини бўлиб берсак, бунга қонун дастак бўлса, йўл очилса, барча имтиёзларни ташкил қилинса, меҳнатга иштиёқманд одамларнинг эртага яна қандай армони бўлиши мумкин?!

Гапимни якунлаб, такрор айтмоқчиман: деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунни қабул қилишимиз бу — фақат биринчи қадам, холос. Мазкур қонун мазмун-моҳиятига кўра серқирра бўлиб, жойларда — ҳар бир туман, ҳар бир вилоятда изчил амалга ошсагина, мақсадимизга эришамиз.

Яна бир бор таъкидлаш лозимки, муҳокама этилаётган қонунлар ҳаётимизнинг умумий қоидалари, умумий чегара-чизиқларини ўзида мужассам этган. Бу қонунлар асосида яна янги қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилишимиз керак. Катта ҳуқуқлар бердик, энди жойларда ҳокимлар ташаббус кўрсатишсин. Агар ҳоким ўзини вилоятнинг ҳақиқий эгаси қилиб кўрсатса, мен шу вилоятнинг эгасиман, деса, ёмонми! Мен бунга қарши эмасман. Бу яхши аломат. Эга дегани, шу туман, шу вилоят учун, керак бўлса, жонимни фидо қиламан дегани. Йўлимизга тўғаноқ бўлаётган тўрт-бешта муттаҳамнинг ёқасидан олишга тайёрман, дегани.

Сизга ишонган, сизга иконган одамларни ҳимоя қилишга ўрганинглар. Ҳамма ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Фидойи экансизлар, раҳбар деганни мен фақат фидойи деб биламан, халқ ичига боринглар, унинг оғирини енгил қилинглар. Қўрқманглар, қийналиб қолсаларинг, ёнларингда мен борман. Мен сиз томондаман.

Кеча Москвада Ҳамдўстлик давлатларининг кенгаши бўлди. Кенгашда талай масалаларни баҳолиқудрат ечишга уриндик. Қандай масалалар кўрилгани, нимага эришганимиз, умуман, Ҳамдўстлик давлатлари, бизга қўшни давлатлар, собиқ Иттифоқ минтақасида жойлашган халқлар билан муносабатларимиз ҳақида телевидение орқали батафсил ҳисобот беришга ҳаракат қилдим. Лекин бугун сизлар билан юзма-юз бўлиб, дийдор кўришиб, рўй-рост айтмоқчиман: **асосий хулоса шуки, кенгашда катта-катта ҳужжатлар қабул қилинмаган бўлса ҳам, кўрилган масалалар бўйича қабул қилинган барча қарорлар биз танлаган йўлнинг тўғрилигини исботлади.**

1991 йилдан бошлаб, мустақилликка эришганимиздан кейин иқтисод, сиёсат соҳасидаги энг маъқул йўлни, керак бўлса, сиёсатни ўтказдик, десак, муболаға бўлмайди. Нега деганда, бир вақтлар собиқ Иттифоқнинг давлат раҳбарлари орасида мустақиллик истиқболига ишонмаганлар кам эмасди. Афсуски, бундайлар ҳали ҳам бор. Лекин вақт ўтяпти, мустақиллик йилида туғилган болаларимиз етти ёшга тўлди. Биринчи синфга борганлар еттинчи, саккизинчи синфда ўқияпти. Улар «СССР» деган иборани мутлақо билишмайди.

Биз бундан хурсандмиз.

Биз ҳар хил пала-партиш ташаббусларга қўшилмадик. Бу, албатта, кимларгадир ёқмади. Биз иқтисодий ривожланишни ҳар қандай сиёсий интилиш-ҳаракатлардан устун кўриб, авваламбор Ҳамдўстлик давлатлари халқларини иқтисодий асосда яқинлаштириш ва шу йўлдаги тўсиқларни олиб ташлаш тарафдори эканимизни ифода этдик. Фахрланиб, катта ифтихор билан айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг обрўси ўсиб бораяпти. Бу сиёсат, бундай қараш ўз тарафдорларини топмоқда. Ҳамдўстликнинг кечаги мажлисида бизнинг барча таклифимиз ўтди. Биринчи бор тарихимизда Ҳамдўстлик Давлатларининг Бош вазирлар кенгаши раиси қилиб Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов сайланди. Албатта, амал бугун бор, эрта йўқ. Лекин биринчилар қаторида Ўзбекистоннинг Бош вазири шу лавозимга сайлангани Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат, иқтисод бўйича танлаган моделимиз, йўлимиз тўғри эканлигидан ёрқин далолатдир. Буни нафақат дўстларимиз, керак бўлса, мухолифларимиз ҳам ноилож тан олганларини мен кеча ўз кўзим билан кўрдим.

Азиз дўстлар!

Қабул қилган қонунларимиз, қарорларимиз аҳамиятини, саъй-ҳаракатларимиз қадрини баъзан ўзимиз билмаймиз. Балки бу ҳам табиий бир ҳолдир. Майли, барча хайрли ишларимизга фарзандларимиз баҳо берсинлар, қадрига етсинлар. Иншоолоҳ, шу кунларга ҳам етиб борайлик.

(Давоми 2-бетда)

Ochiq muloqot

ИМТИҲОНЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Имтиҳон даври тобора яқинлашмоқда. Бу даврда барчамиздан катта бир масъулиятни, аниқ фаолиятни талаб этади. Хўш, биз бу жараёнга тайёрмизми? Ўқувчиларнинг ёзма имтиҳон ишида уларнинг билимига қўйиладиган баҳо меъёрларини биламизми? Оғзаки имтиҳонлар ташкил этиш тартиблари қандай бўлади? Умуман, жойларда моҳиятан улкан тадбирга қандай тайёргарлик кўрилаётир? Бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ўрта умумтаълим Бош бошқармаси шу йилнинг 1 май куни 1997-98 ўқув йили якунига барча турдаги умумтаълим муассасаларида имтиҳонларни ташкил этиш ва якуний аттестация билан боғлиқ масалалар юзасидан телефон орқали «ОЧИҚ МУЛОҚОТ» ўтказди.

Мулоқотда ўқув масканларида имтиҳонларни ташкил этиш ва якуний аттесацияга доир саволларга бошқарма бошлиғи Гуландон АЛИМОВА, бошлиқ ўринбосари Шукур ПЎЛАТОВ, бошқарманинг бош мутахассиси, вазирлик матбуот гуруҳи раҳбари Бахтиёр ҚУРБОНБОЕВлар жавоб бердилар. Қуйида савол-жавоблар матнини муштарийлар эътиборига ҳавола этаётирмиз.

М. ЭРГАШЕВ, Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги 1-лицей директор ўринбосари, доцент:

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1998 йил 12 мартдаги 55-сонли «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида 1997—98 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўқувчилар билим ва кўникмаларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги буйруқни олдик. Бироқ яна қандай услубий кўрсатмаларга амал қиламиз?

— Халқ таълими вазирлигининг 1997 йил 20 февралдаги 53-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўқувчиларни якуний аттестацияга қўйиш ва синфдан-синфга кўчириш тартиблари бўйича йўриқнома»си ҳамда республика Таълим маркази томонидан тайёрланган имтиҳон материаллари иловасида ёзилган тавсияномаларга ҳам риоя қилинади.

— Комилжон АЛИЕВ, Фарғона вилояти Охунбобоев тумани халқ таълими бўлимининг ўқув-методика кабинети мудири:

— Махсус синфларда қўшимча имтиҳон топширилади-ми?

— Халқ таълими вазирлигининг 1998 йил 12 мартдаги 55-сонли буйруғининг 7.2 бандига асосан лицей, гимназия, иқтидорли болалар ўқийдиган мактаб-интернатлар, айрим фанлар чуқурлаштириб ўргатиладиган мактаблар ёки синфларда (5—11-синфлар), катталар таълими макразларида бир ёки икки махсус фанлардан қўшимча имтиҳон киритилади.

(Давоми 3-бетда)

«УСТОЗ» ЖАМҒАРМАСИ КЎРИК-ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

3-БЕТ

АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ

Гулистон шаҳар Меҳрибонлик уйида республика Халқ таълими вазирлиги ва Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармасининг «Етим ва ота-онасининг васийлигисиз қолган болаларга оилавий муҳитга яқин шароитда таълим-тарбия беришда Меҳрибонлик уйлари — умумтаълим муассасалари педагогик ҳамкорлиги» мавзуидаги Республика семинари бўлиб ўтди. Оила йилига бағишлаб ўтказилган мазкур семинарда республикадаги Меҳрибонлик уйлари педагогик жамоалари томонидан олиб борилаётган тарбиявий ишлар бўйича Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари билан иштирокчилар ўртасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари раҳбарлари «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида тест синовидан ўтказилди.

Республика семинари қатнашчилари Гулистон шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари таълим олаётган умумтаълим мактаблари, ўқувчилар ижодиёт маркази ва бошқа болалар муассасаларида бу борада олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

Семинар ишида халқ таълими вазири ўринбосари М. Султонов иштирок этди.

Н. САЙДАЛИМОВА

ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

4-БЕТ

ПЕДАГОГ САНЪАТКОРЛАР ТАНЛОВИ

Маърифий ва маданий анъаналарни ўрганиш ҳонандалик, созандалик, раққослик каби санъат турларини ўзида мужассам қилган педагог ходимлар ижодини янада ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ғоявий-эстетик тарбиясини яхшилаш, ижрочилик маҳорати ва саҳна маданиятини янада юксалтириш, бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш ҳам бугунги кун талабларидан биридир. Шу мақсадда, Жиззах вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институтида «Устоз хонанда» вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Кўрик-танловда мутахассислиги ҳар хил фанлардан бўлган, туман (шаҳар) босқичида ғолиб чиққан педагог ходимлар иштирок этдилар. Улар танловда ўзларининг маданият ва санъатга қизиқишларини, эстетик-бадиий дид соҳиби эканликларини намойиш этдилар. Ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов ғолиблари аниқланди ва Жиззах шаҳар 6-ўрта мактаб информатика ўқитувчиси Рустам Муродов ғолиб деб топилди.

Танлов иштирокчилари вилоят халқ таълими бошқармасининг «Фахрий ёрлиқ»лари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар. Тадбир барча иштирокчи ва томошабинларда катта таассурот қолдирди.

И. ИСМОИЛОВ,
М. УЗОҚОВ,
Жиззах вилояти ПХМОИ ходимлари

ММММ — ХАБАРЛАРИ

TIL BILGAN EL BILADI

Buni yurakdan his qilgan Ismoil hoji Nortoyev va Uzoqboy hoji Yangievlar xayrli isnga qo'l urdilar. Buloqboshi tumanida chet tillarni o'rganayotgan maktab o'quvchilariga o'z fermer xo'jaliklari hisobidan har chorakda 3500 so'm stipendiya berishyapti. Kelajak avlod yo'lida saxovatli bo'lish buyuklikni yaratishga qo'shilgan hissadir.

O. XO'JAAHMEDOV

AJDODLAR YODI

Navoiy tumanidagi 14-maktabda xalqimiz milliy qahramoni Jaloliddin Manguberdi hayoti va faoliyatiga bag'ishlangan kecha bo'lib o'tdi. Qadriyatlarimizga e'tibor ruhida o'tgan anjuman yoshlarda g'urur hissini kuchaytirishi tabiiy. Shuningdek, ulug' alloma Najmiddin Kubro haqida ham iliq so'zlar o'quvchilarga yetkazildi.

G. YOQUBOV.

MAS'ULIYAT ORTDI

Nurota tumanida «Yil o'qituvchisi» ko'rik-tanlovi g'olibi 5-maktab ona tili o'qituvchisi Mashhura Rustamovaning sakkizta shart bo'yicha bilimdonliqi tan olindi. Endi Mashhura viloyat tanlovida tuman sharafini himoya qiladi.

N. QARSHIYEV

G'OLIBLARNI YO'QLAB

Shahrixon tumanidagi 29-maktabda tuman xalq ta'limi bo'limlarining viloyat seminari bo'ldi. Shu maktab mehnat ta'limi o'qituvchisi Odinaxon Otaxonovaning «Maktabda o'quvchilarga maktab kiyimlarini joriy etish» ish tajribasi bilan atroflicha tanishildi. Odinaxon yaratgan maktab formasi respublika tanlovida g'olib chiqishining zaminida fidokorona mehnat bor deb baholandi.

F. KARIMOV

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС XI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда)

ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Муҳтарам халқ депутатлари!

Бугун сессияда муҳокама қилинаётган қонунларнинг лойиҳалари бизларни нафақат бугунги ҳаётимизда, аввалам-бор, эртанги ҳаётимизда, келажагимизни қуриш режа ва мақсадларида катта аҳамиятга эга. Шунинг учун баъзи бир мулоҳазаларимни сизларга маълум қилиб, шу масалалар бўйича фикр алмашиб олмоқчиман.

Олий Мажлиснинг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси Анвар Йўлдошев билдирган фикрларга қўшимча шу нарсани ойдинлаштириб ўтмоқчиман. Умуман, лўнда қилиб айтганда, хорижий сармоялар, ҳозир инвестициялар деяпмиз, яъни чет эл фирмаларининг сармоялари, маблағлари Ўзбекистонга керакми-йўқми? Мен нафақат сиз депутатларни, балки юртимиздаги оддий фуқароларни, олис-олис жойларда яшаётган одамларнинг савияси, тушунчасини инобатга олиб шу саволларни кўндаланг қўймоқчиман. Ўзи, чет мамлакатлардан сармоя келмаса, бизлар яшашимиз мумкинми? Агар чет мамлакатлардан инвестициялар келмаса, биз ўз мақсадларимизга эришишимиз — буюк давлат қуриш, фаровон ҳаёт барпо этиш, бугунги энг тараққий топган давлатларга тенглаша олишимиз мумкинми, йўқми?

Бу залда ўтирганларнинг аксарият кўпчилиги, мен ўйлайманки, юрт ғамини ейдиган, эртанги кун ҳақида қайғурадиган одамлар. Уларнинг барчаси бу саволга, албатта, ижобий жавоб беради. Четдан сармоя келмаса, четдан инвестиция келмаса, Ўзбекистон тез орада тараққий топган давлатлар даражасига чиқа олмайди.

Биз бир вақтлар мустабид тузумда, собиқ Иттифоқ тизимида яшаб, унинг қоидалари ва талабларига итоат қилиб, асосан хомашё минтақасига айланиб қолганимизни такроран одамларимизнинг эсига солмоқчиман. Ўзбекистон деганда илгари одамларнинг тасаввурида нима жонланар эди? Пахта далалари ва далаларда машаққатли меҳнат билан банд бўлган бечора заҳматкаш деҳқонларимиз.

Бир фараз қилинглар, ўн йил олдин худди шу манзара ҳаётимизнинг асосий мазмуни эди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз шундай тез суръат билан ривожланяптики, уни тасаввур қилиш ҳам осон кечмаётибди. Баъзи бир юртдошларимизга бугунги эришган натижаларимиз худдики осмондан тушаётгандек, ўз-ўзидан пайдо бўлаётгандек ҳам туюлаяпти. Гўё бугунги тараққиёт ҳаётимизда ўз-ўзидан амалга оширилаётгандек. Гоҳо баъзи бир танқидчиларимиз, айтайлик, шундай хаёлга ҳам бориши мумкин.

Шунинг учун шу саволларни такроран бериб одамларга реал ҳақиқатни эслатиш фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлайман.

Яқин ўтмишда, яъни бундан ўн йил олдин Ўзбекистонни ким танирди? Биз хорижий мамлакатларни умуман билмасдик. Хорижий мамлакатлар ҳам бизни мутлақо билмасди. Агар ўша ёқларда Ўзбекистон қаерда жойлашган, Ўзбекистон нима билан шуғулланади, Ўзбекистонда қандай одамлар яшайди, халқи нима билан банд, деб сўраса, ҳаммаси битта иборани ишлатар эди. Нима эмиш, «Ўзбекистон пахта макони» эмиш. Лекин бу «пахта макони» мана шу халққа нима берди? «Пахта макони»га айланган юртимиз нафақат бутун социалистик лагерь, айтайлик, дунёнинг кўп-кўп бошқа мамлакатларига ҳам пахта етиштириб бериб, бундан нима наф кўрди? Ўзбекистонда ҳукм сурган «пахта яккаҳокимлиги»ни эсингизга олинг. Бундай ҳолни табиатимизга, одамлар ҳаётига салбий таъсирини олинг. Агар ўша замонни эсласак, «пахта яккаҳокимлиги» даврида фақат томларимизда пахта экилмади, холос.

Ҳақиқатни англаш учун дунёда битта синалган услуб бор. Солиштириш керак, қиёслаш керак. Кеча ким эдик, айтайлик, нима масалада бизлар азоб-уқубат чекканмиз ва бугунги ҳаётимизнинг, эртанги режаларимизнинг шундан қандай фарқи бор? Бизлар қандай қадам қўяяпмиз, тўғри йўлданми, йўқми, деган саволга жавоб бераётганда фақат қиёслаш керак. Қуруқ ташвиқот керак эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, яна бир бор айтаман: жаҳон жамоатчилиги илгари харитадан Ўзбекистонни кўрсатишга ҳам қийналадиган бўлса, ҳозир давлатимизни бутун дунё таниб бормоқда. Ҳозир юртимизга кўплаб мамлакатлардан делегациялар келади.

Биргина ўтган ойнинг ўзида дунёнинг манман деган давлатлари, мисол учун, АҚШнинг энг кўзга кўринган сенаторлари, конгрессменларининг кўпчилиги Ватанимизга келиб кетишди. Биласизлар, матбуотда, телевидениеда Ўзбекистон Президенти фалон делегацияни қабул қилди, деб бериладиган хабар бу шунчаки қуруқ маълумот эмас. Бунинг тагида чуқур маъно бор. Тараққий топган, дунёда катта нуфузга эга давлатларнинг раҳбарлари ва шуларнинг вакиллари Ўзбекистонга келиб ўз ҳурматини изҳор қилиши, ўз таклифларини билдириши, ҳамкорлик масаласига, умуман, биргалашиб ишлашга тайёр эканликларини изҳор қилиши — бу уларнинг Ўзбекистонни, халқимизни, бизнинг салоҳиятимизни яна бир бор эътироф этганини, тан олганини билдиради.

Шулар билан гаплашганда мен уларга, ўн йил олдин Ўзбекистонни харитадан кўрсатиб бера олармидингиз, десам, ҳақиқатни айтадиган бўлсак, йўқ, тополмасдик, дейди. Ўзбекистон деганда фақат Самарқанд, Хива ёки Бухоро қаерда бўлганлигини билардик, қолганини билмас эдик, деб ошкора айтади улар.

Мен нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, **биз кечаги ҳаётимиздан буткул воз кечганимиз йўқ. Умуман, тарихдан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Тарих — бу бизларники, аччиқ бўлса ҳам, чучук бўлса ҳам, у биз учун ҳаётдан сабоқ ва хулосалар чиқариш учун хизмат қилади.** Шу нуқтаи назардан қараганда кеча фақат хомашё ва хомашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон бугун дунё харитасидан ўз муносиб ўрнини эгаллашга, бошқа тараққий топган мамлакатлар, авваламбор, АҚШ, Ғарбдаги демократик давлатлар, Шарқдаги Япония, Корея, Малайзия ёки шунга ўхшаш давлатларга тенг бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, бунда биринчи галда чет эл сармоялари, чет эл инвестицияси ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Мен ҳозир тилга олиб ўтган кўпчилик давлатларнинг тарихи шуни кўрсатадики, агар хорижий мамлакатлардан сармоя келмаса, инвестиция келмаса, ҳеч қачон бу давлатлар бугунги ривожланиш даражасига кўтарила олмас эди.

Яқинда Европа ва Америкада бир тарихий воқеага — Маршалл планига бағишлаб катта мажлислар, турли маросимлар ўтказилди. Биласизларки, Маршалл деган одам АҚШ давлат котиби бўлиб, у Европани Иккинчи жаҳон урушидан кейин оёққа кўтариш учун махсус дастур ишлаб чиқишга бошчилик қилган.

Шу дастур Маршалл плани деб аталади. Франция, Буюк Британия, Германия ва шунга ўхшаган Европа давлатларининг бугунги савиясини кўрсангиз, беихтиёр одамнинг ҳаваси келади. Лекин урушдан кейинги уларнинг аҳволини бир эслаб кўрайлик. Қай аҳволда эди Европа? Маршаллнинг плани нима берди? Америка Қўшма Штатлари Европани тиклаш учун бирйўла катта маблағни тавсия қилди. Маршалл планига асосан тахминан 50 миллиард доллар Европа давлатларига кредит сифатида берилди. Мазкур маблағ бу мамлакатларнинг иқтисодини ўнглаб, ҳаёт даражасини кўтаришга, авваламбор илғор технологияларни жорий этишга ва умумбашарий тараққиёт йўлига қайтаришга катта хизмат қилди. Маршалл плани ана шундай улкан натижа берди.

Энди Японияни олайлик. Урушдан кейин Япония қай даражада эди? Қандай аҳволда эди? Бу вайрона бўлиб ётган давлат 50 йилдан кейин бугунги юксак тараққиёт даражасига кўтарилади, деб ким тасаввур қила оларди? Кореяни олинглар. Қай аҳволда эди Жанубий Корея?

Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳаммаси, барчаси нима ҳисобидан кўтарилди? Албатта, биринчи галда, ўз кучига таяниб, ўз имкониятларига суяниб. Лекин четдан кўмак, сармоялар бўлмаса, ўз мақсадига эриша олмасди.

Ўзбекистоннинг ривожланиш модели, Ўзбекистоннинг тараққиёт режаси ва дастурларини тузганда биз, аввало, нимага ишондик ва нимага асосландик? Ўзимизнинг кучимизга. Ўзимизнинг тарихимизга. Ўзимизнинг фахримизга, ўзимизнинг ғуруримизга. Ва шу йўл билан фаровон турмушга эришишни ўзимизга қатъий мақсад қилиб белгиладик. Лекин, шу билан бирга, фақат шу мезонга, шу омилга суяниб кўп нарсага эришиш мумкин эмас. Тараққиёт учун сармоя керак, инвестиция керак.

Мана, кеча Япониядаги энг катта фирмаларнинг раҳбарлари Ўзбекистонга келди. Булар шундай катта фирмаларки, улар Японияннинг бутун капитал дунёсини ушлаб туради. Улар орасида Японияннинг иқтисодий ташкилотлари федерацияси — «Кейданрэн» деган йирик бирлашмаси ҳам бор. Бу фирмалар нафақат молиявий иқтисодни, керак бўлса, ўз ҳукуматининг сиёсатини ҳам белгилайдиган қудратга эга.

Биз улар билан учрашиб, фикр алмашдик. Жумладан, федерация раҳбари жаноб Тоёда билан ҳам суҳбатлашдик. Бу япон фирмаларининг энг катта раҳбари, кўп нарсани биладиган, тажрибали одам. Шулар билан учрашиб, яна бир бор гаплашиб олдик. Учрашувлар давомида Япония Ўзбекистонга қандай қараяпти, бизга муносабати, сармоя бериш соҳасидаги режалари, бизларнинг эртанги кунимизга ишончи борми-йўқми — шу каби масалалар хусусида атрофлича кенгашиб олдик.

Фикримни якунлаб айтмоқчиманки, агар Ўзбекистон тез кунларда ўзининг мақсадига, ўз муродига эришмоқчи бўлса, чет мамлакатлар, бой давлатларнинг сармоясини олиб келмасдан бу ниятларни амалга ошириб бўлмайди. Истардимки, бу оддий, лекин ғоят муҳим ҳаётий ҳақиқатни мактабларда ўқиётган, олий ўқув юртларида таълим олаётган болаларимиз, эртага бизнинг ўрнимизга келадиган фарзандларимиз яхши англаб олса, қолаверса, ҳар қайси фуқаро шуни яхши тушуниб етса. Чунки бу ҳаётий ҳақиқат — бизнинг эртанги кунимизнинг гарови. Такрорлаб айтаман: бу — гаров. Бу — шарт. Агар шу шартни амалга оширсак, эртага марра бизларники.

Шу сабабли мана шу иккита — яъни «Чет эл инвестициялари» ва «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида»ги қонунларни кўраётганда табиий савол туғилади: хўш, нима учун биз бу қонунларни қабул қиляпмиз? 1992 йилда қабул қилган қонунларни бугунги кўз билан бошқатдан қараб, яна бошқатдан тахририни ўзгартиряпмиз? Сабаб нима?

Сабаб шундаки, бутун дунёнинг маблағи, барча бой-бадавлат давлатларнинг инвестициялар учун ажратадиган маблағлари, сармоялари, булар ҳаммаси бир қозонда қайнаб турибди. Бугунги умумбашарий шароит шундайки, жаҳонда умуман глобализация деган жараён кечяпти. Дунёда қанча ортиқча сармоя бор, бу сармояни бошқаларга бериш, ёрдам тариқасида бериш, ўзига фойда орттириш миқдори каби масалалар ҳаммага маълум. Лекин савол туғилади: хўш, бу сармоя қайси давлатларга, қайси минтақага биринчи навбатда оқиб боради? Қайси ишлар учун, қайси тармоқлар ва минтақаларнинг ривожи учун ётқизилади? Мана шу масала бугун, бугунги жаҳон сиёсатида, иқтисодий сиёсатида ва бошқа сиёсатда энг катта аҳамиятга эга бўлган масала. Худдики дарё оқиб келаяпти, бу дарёнинг чегаралари ва манзили қаёқда?

Агар мустақил бўлган йилимиздан ҳисобласак, бугун Ўзбекистонга келган сармоя тахминан 8 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Бир йилда биз тахминан 1 миллиард АҚШ долларини ўзлаштиряпмиз. Лекин бу бизнинг имкониятларимиз даражасидан кам, бу ҳар томонлама қараганда режаларимизни амалга ошириш учун етарли эмас. Шунинг учун биз тезроқ ўсмоқчи бўлсак, иқтисодимизни жаҳон иқтисодига тенг қилмоқчи бўлсак, авваламбор, саноатни, иқтисодни ривожлантирмоқчи бўлсак, Голландия, Германия, Хитой ва Япония технологияларини олиб келиб қишлоқ хўжалигини кўтармоқчи бўлсак, бизга сармоя, сармоя,яна бир бор сармоя керак. Яъни, хорижий инвестициялар керак.

Шу нуқтаи назардан бу қонунларни қабул қилишимизнинг, уларни қайтадан кўриб чиқишимизнинг сабаби битта. Қаерда имтиёз бўлса, қаерда шароит бўлса, қаерда агарки қонуний гаров, қонуний кафолат бериладиган бўлса, шу ёққа сармоя келади. Буни яна тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Мен ишонаманки, мана шу гапларимни оддий одамларга, жамоатчилигимизга, халқимизга етказасизлар. Яъни қаерда шароит бўлса, қаерда қулай иқлим бўлса, қаерда шундай имтиёзлар бўлса, улар шундан фойдасини кўрса, кафолатига ишонса, шу жойга ишониб сармоя олиб келади. **Кафолат дегани — бу жуда оғир нарса. Кафолат деганда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам молиявий кафолат беришимиз керак. Бунинг фоизлари бор, бунинг гаровлари, ўзига яраша шарт-мажбуриятлари бор. Биз буларнинг ҳаммасини мужассамлаштириб, қонуний нуқтаи назардан, қонун билан кафолатини берар эканмиз, бу ишларимизни тарғибот қилиш керак, ташвиқот қилиш керак.** Чет эллардаги катта нуфузли компанияларга, пулдор банкларга, халқаро молия ташкилотларига мана шу қонунларимизнинг моҳиятини чуқур тушунтиришимиз, бошқача айтганда, миясига қуйиб қўйишимиз керак. Ўзбекистонда биринчи навбатда сиёсий, иқтисодий, молиявий барқарорлик мавжуд, бу ҳар қандай сармоянинг асосий гарови, асосий шарти, деб айтишимиз керак. Сизлар сўраётган кафолатни биз берамиз, қулай шарт-шароит ҳам яратиб берамиз. Шу билан бирга фоизини ҳам қойил қилиб берамиз. Сизларнинг ички ишларингизга аралашиш ёки йўлингизга ғов бўладиган тўсиқларларни бартараф этишга, керак бўлса, зўравонларнинг пайини қирқишга мана шу қонунлар асос бўлади, деб биз кафиллик беришимиз даркор. Токи уларда шундай ишонч пайдо бўлсинки, Ўзбекистонга сармоя келтирган хорижий инвестор бошқа жойдагига нисбатан кўпроқ фойда олади.

Албатта, мен бу гапларни биринчи марта айтаётганим йўқ. Лекин шуни унутмаслик лозимки, дунёда ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч қандай даврда ҳам текинга Ўзбекистонга ёрдам бермайди. Чунки манфаатсиз, ўзининг мақсадига эришмасдан, бирор фойда кўрмасдан ёрдам бериш деган гаплар — буларнинг барчаси пуч гаплардир.

Шунинг учун мана шу қонунларнинг синчиклаб мағзига етиб борсак, бизлар 1993 йилда қабул қилган қонунни кеча иккита мустақил қонунга айлантирдик. Яъни, чет эл инвестицияларини алоҳида кўриб чиқдик. Мана шу инвестицияларга кафолат бериш масаласини муҳокама қилдик ва уни кенгайтирдик. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда хорижий сармояларга қандай имтиёзлар берилаётганини, уларнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам молиявий кафолатини содда ва аниқ тарзда ишлаб чиқдик, энди тегишли ташвиқот ишларини жойига қўйишимиз зарур. Агар эртага бизга бирор сармоядор келса, унга мана шундай ҳолатни кўрсатиб, сўнгра у билан гаплашамиз. Қуруқ гаплар керак эмас, ваъдалар керак эмас. Қонун бизлар учун ҳам қонун, сизлар учун ҳам қонун, деб айтамиз.

Бу ерда яна битта масала бор. Инвестициялар келиши ўз йўли билан, лекин Ўзбекистоннинг модели, иқтисоди, иқтисод ривожининг роли шундайки, биз ўз ҳал қилувчи бойликларимизни, ўз иқтисодий потенциалимизни ҳеч кимга сотганимиз йўқ. Баъзи қўшни давлатлар тажрибалари бизга тўғри келмайди. Бизда ундай нарсалар йўқ, буни нафақат сизларга, балки халқимизга қарата ҳисобот тариқасида айтаяпман. 6-7 йил давомида биронта катта корхонамизни ёки ривожимизнинг асосси бўлмиш бойликларимизни ҳеч кимга сотганимиз йўқ. Агарки бирон-бир хорижий ҳамкоримиз сармоя олиб келаётган бўлса, бу борадаги шартномалар қонунларимиз асосида бўляпти.

Мана, мисол учун «ДЭУ» билан автомобиль заводини худди шу асосда қурдик. Бухорода улкан нефтни қайта ишлаш корхонасини ҳам айни шу тарзда барпо этдик. Ишонасизми-йўқми, бунга кам одам ишонади, бу лойиҳанинг умумий нархи ярим миллиард АҚШ долларидан кўпроқ. Фақат технологик қисми 262 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Қайтариб айтаман, бу фақат технологик қисми. Ундан ташқари бошқа кўплаб мураккаб иншоотларни қуриш керак эди. Сув олиб келиш керак, электр олиб келиш керак, йўлларни қуриш керак, иморатларни қуриш керак ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасига, айтиб ўтганимдек, ярим миллиард АҚШ доллари зарур эди. Биз шу қурилиш учун хорижий мамлакатлардан сармоя олиб келаётганда 40 фоизини бевосита ўзимиз топдик, яъни Ўзбекистон сармояси сифатида ўртага қўйдик. Шунинг ҳисобидан оладиган фойдамизнинг тақсимоти қуйидагича: 40 фоизи ўзимизга тушяпти, 60 фоизи ҳозирча уларга тушяпти. Эртага ҳамма олган кредитларнинг ҳисоб-китобини жойига қўйсак, фойданинг юз фоизи ўзимизники бўлади.

Барпо этилган ва этилаётган бошқа йирик корхоналарни ҳам шу нуқтаи назардан кўриб чиқсак, шунга амин бўлиш мумкинки, биз ҳеч қачон ўз манфаатимизни ва иқтисодий мустақиллигимизни хавф остида қолдирганимиз йўқ. Биз сиёсатимизни, ривожимиз дастурларини тузаётганда фақат бугунги кунни эмас, эртанги кунни ўйлаб қадам қўйдик. Сизларга раҳмат, шу сиёсатни тўғри тушуниб, қўллаб-қувватладингиз. Мана шу сиёсатнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаяпти. Ва муқаддас заминимизда ҳаёт кечираётган ҳар бир инсон унинг натижасини, ҳосилини аста-секин кўряпти.

Азиз биродарлар!

Муродимизга етмоқчи эканмиз, белни маҳкам боғлайлик. 6 йил мобайнида эришган ютуқларимиз, эртанги кунимизга умид уйғотиб, пойдеворимизни янада мустаҳкамлайди. Аминманки, бизнинг ўрнимизга келадиган авлод биздан кучли бўлади! Бизнинг хатоларимизни такрорламайди. Уларнинг тажрибаси, дунёқараши мутлақо бошқача бўлади. Улар вақтини, куч-ғайратини боқимандалик, совет тузумидан қолган бошқа иллатларга курашга сарфламайди. Улар фақат олға юради, бошқалардан кам бўлмасликка, ўзбек миллатини, керак бўлса Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бахтини, иқболини юксалтиришга ҳаракат қилади. Бу баландпарвоз ғаплар эмас. **Мен сизларнинг сиймонгизда ақл-заковатли, мард, тиниб-тинчимас халқимизни кўряпман. Ўз қадримизга етайлик. Ютуқларимиздан ғурурланайлиг-у, лекин бошимиз айланмасин, оёғимиз ердан узилмасин.**

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ҚОНУНИЙ АСОСДА БЎЛСИН

Ҳурматли халқ ноиблари!

Мана, ҳозиргина ҳурматли бир домламизнинг маърузасини тингладик. Кечирасизлар-у, маъруза менга ёқмади. Лицейларда, олий ўқув юртлари аудиторияларида ўқиладиган лекциялардан фарқи йўқ. Олим, юрист сифатида мен у кишидан бошқа нарсани кутган эдим. Яъни, бугун ҳаммамизни ўйлантираётган муаммолар хусусида ваколатли мутахассис фикри керак эди бизга. Афсуски, бундай бўлмади.

Давлатимиз, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро келажагининг кафолатини Конституция беради. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари Конституцияда белгиланган, тегишли қонунлар билан мустаҳкамланган. Мақсадимиз эркин, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш. Ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш.

Модомики мақсадларимиз аниқ экан, инсон ҳуқуқлари умумхалқ муҳокамасида қабул қилинган Конституция ҳимоясида экан, авлодларимиз, фарзандларимиз келажагига хавф соладиган, миллат шаънига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлар қаердан пайдо бўляпти? Мен Наманганда, Андижонда рўй берган кўнгилсиз воқеаларни назарда тутяпман. Нима, ҳуқуқий асосларимиз бўшми ёки умуман масъулиятни унутиб қўйдикми? Балки баъзи бир мансабдор кимсалар иккиламчи сиёсат олиб бораётгандир? Ана, орангизда Наманган вилояти ҳокими ва туман ҳокимлари ўтирибди. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, битта вилоятда 1200-1300 та масжид бор. Бу масжидлар атиги 4-5 йил ичида қурилган. Мазкур масжидлар қонун доирасида фаолият кўрсатиши учун кимдир масъул бўлиши керакми, йўқми? Ўзи ҳудудларда қонунларимизни ҳимоя қиладиганлар борми-йўқми?! Намангандаги масжидларнинг 50-60 фоизи рўйхатдан ўтмаганини вилоят ҳокимлиги ва жамоатчилиги билмайди дейсизми? Билади! Фақат ўз тинчини ўйлаб, разил ниятлар, фитналарга қўл силкиб қўйган. Масжидларни рўйхатдан ўтказиш ҳақида гапирдим. Диний ташкилот ёки масжид очиладиган бўлса, албатта, ўзига мажбурият олиши керак. Қайси қонун бўйича фаолият кўрсатади, фаолият доираси қаердан бошланадию, қаерда тугайди — буни аниқ билиши, масъулиятни тўла ҳис этиши зарур.

Рўйхатдан ўтиш — бу арзимаган расмиятчилик эмас, ахир. Бундай ишлар, албатта, пора бериш, амалдорнинг оғзини мойлаш ҳисобидан бўлиши ҳам мумкин. Лекин қонун ҳукм сураётган ҳудудда, туман ва вилоятларда бунга имкон берадиган вазиятни таг-томири билан қирқиб ташлаш керак. Масжидларнинг маблағи бор, лекин аксарияти солиқ тўламайди. Хўш, бу пуллар қаёққа кетяпти?

Ҳокимларнинг, Адлия вазирлигининг жойлардаги бўлимлари ходимларининг чўнтагига! Прокурор бўлса миқ этмайди. Қонунлар ижроси устидан назорат прокурорнинг вазифаси эмасми?! Агар туманда қонун бажарилмаса, прокурор унда нима қилиб ўтирибди?! Қанча-қанча назорат ташкилотлари бор. Ўзингиз бир тасаввур қилинг: бир бечора тижоратчи ёки савдогарнинг ортидан ўнтаси ўпкасини қўлтиқлаб югуради. Чунки, ишхонасига чақириб, унга зуғум қилиш, устидан жиноий иш қўзғаш, оғзидагисини ҳам тортиб олиш осон.

Сўзимни мухтасар қилиб айтмоқчиманки, қонун қабул қилиш билан иш битмайди. Аравани қуруқ олиб қочиб, умумий гаплар билан қутулиб кетаман, деб ўйламанглар. Бу жуда катта муаммо. Ўзбекистоннинг келажагига хавф солаётган, умуммақсадларимизни, орзу-ниятларимизни барбод қилиши мумкин бўлган, авлодларимизни хавф остида қолдирадиган катта таҳдид бу! Бир матбуот анжуманида «Озодлик» радиостанциясининг мухбири Фурқатбек Яқвалхўжаев Наманган воқеаларининг сабабини сўради. Мана, сиз муҳтарам депутатлар ҳам эшитиб қўйинглар:

Наманганга четдан таъсир бўлмаса, ўз-ўзидан шундай тажовузлар юз берармиди? Бу қонхўрлар кимнинг мактабида ўқиган, кимдан маблағ олган, ким уларни қурол билан таъминлаган, ота-оналарининг бепарволигидан фойдаланиб, ёш йигитларни ким Тожикистонга ёки Афғонистон ва Покистонга олиб борган? Уларни мухолиф кучларнинг ўзаро хунрезлик гирдобига улоқтирган ким? Тавилдара деган жойда одамларга қурол ўқталиб, ўзбеклар номини сотиб юрган Жума Намангоний, ўзини амирлар қаторига қўшган Тоҳир Йўлдошев ўзи ким?! Бу муттаҳамлар қаердан пайдо бўлди? Уларнинг жиловини нега вақтида тортиб қўймадик?!

Холисона тан оламиз: Ўзбекистон ҳудудида баъзи бир ечилмаган ижтимоий масалалар, дейлик, ишсизлик бордир, одамларнинг ҳаёти ҳали биз орзу қилган даражада эмасдир. Ёшлар муаммоларини ечишда бепарволикка йўл қўйгандирмиз. Ўрта ва олий ўқув тизимидаги, маънавият ва маърифат соҳасидаги масъул кишиларнинг лоқайдлиги ўз йўлига, бу ўзимизнинг айбимиз. Лекин яна такрорлайман: четдан таъсир бўлмаса, болаларимиз алданиб Покистонга бормасди, муқаддас динимизга ёт бўлган оқимларга ружу қўйиб, қўлларига қурол олишмасди. Жангариларга айланиб Ватанига, ватандошига қўл кўтармас, қўпорувчилик билан шуғулланмас эди.

Наманган, Андижонда қўлга тушган жиноятчилар устидан эрта-индин очиқ суд бўлади. Керак бўлса, суд жараёнини телевидение орқали кўрсатамиз. Ана ўшанда бу нонкўрларнинг мақсади нима бўлганини ўз қулоқларинг билан эшитасизлар.

Уларнинг биринчи режаси маъмурий, ҳуқуқ ҳимоясида турган ташкилотлар: милиция, прокуратура ва шунга ўхшаган ҳокимият ходимларини ўлдириш билан одамларни қўрқитиш бўлган. Ундан кейин бизнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги, ҳаётмамотимизни ҳал қиладиган иншоотларни портлатиш, нон, сут етказиб берадиган, одамларни иш билан банд қиладиган корхоналарни, иморатларни портлатиш...

Тушуняпсизларми, қандай катта хавф остида қолишимиз мумкин? Битта муттаҳам, битта иймонини сотган ёвуз ниятли одам, қанча-қанча зарар, зиён етказиши мумкин.

Боз устига, бу ишлар дин ниқоби остида, мен кимман, мен ваҳҳобийман, мен ҳақиқий мусулмонман, деган кибрли ақида билан қилинади. Ким ҳақиқий мусулмон, ким сохта мусулмон эканини ёлғиз Оллоҳ таоло билади. Охиратда, сўроқсавол пайтида ҳаммамизга Яратганнинг ўзи баҳосини беради. Бу дунёда бировни чала мусулмон, ўзини ҳақиқий мусулмон дейишга ҳеч бир бандани ҳаққи йўқ. Буни Исломдан хабардор одамлар, диний идораларнинг раҳбарлари жуда яхши билади. Ана шу одамлар айтсин.

Яна бир бор айтаман: ким ҳақиқий мусулмон, ким чала мусулмон, ким кофир бўлганини Оллоҳ таологина билади. Ким, алҳамдулиллоҳ, мусулмонман деса ва муқаддас Қуръони каримда, ҳадисларда кўрсатилган талабларни бажо этса, бизнинг динимиз бўйича Худога итоат қилган, илтижо қилган бўлади ва у ўзини мусулмон дейишга ҳақлидир.

Боя айтганимиз кўнгилсиз воқеалар қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Аввало улар майда ишлардан, бепарволикдан бошланишини унутмаслик лозим. Жамиятнинг ўзи бунга қарши қаттиқ оёққа турмаса, ўзини, ўз фарзандларини ҳимоя қилмаса, эртага Тожикистондаги вазият бизнинг ҳам бошимизга тушиши мумкин. Тожикистонда, Шаҳидон майдонида бўлган воқеалар 1992 йил май ойида бошланган эди. Бунинг тарихига 6 йил бўляпти, ҳамон Тожикистонда тинчлик, барқарорлик йўқ, ҳеч қандай қурилиш, бунёдкорлик йўқ. Одамлар нима билан банд — ўзингиз хабардорсиз.

Тараққиётни ўн йиллар орқага суриб юборган Шаҳидон воқеалари аслида Наманганда бошланиши керак эди. Буни ким билади? 1991 йил 8 декабрда мен Наманганга бориб аҳлини йўқотган, ўзига «Оллоҳ лашкарлари» деб ном қўйиб олганлар билан, ўша Йўлдошев Тоҳир билан юзма-юз бўлганман. Унинг қўлидан микрофонни олиб гапирганимни ким эслайди? Ўшанда мендан улар ислом давлатини, ислом республикасини ҳозир эълон қиласиз, деб талаб қилишган. Соқоли тиззасига тушадиган кимсалар одамларнинг бошини айлантириб, шу масалаларни кўтарганлари ҳали ҳам эсимда, овозлари ҳали ҳам қулоғимда турибди.

Улар «Ислом лашкарлари» ва бошқа ташкилотларни тузиб, одамларга тажовуз қилиб, милициянинг ўрнини олиб, ҳукмдор бўлмоқчи эдилар. «Қўқон хонлигини ташкил қиламиз», деган мақсадда юрганлар. Буни ким билади? Буни аввало сиз депутатлар билишингиз зарур. Нега деганда, сиз халқ ноиблари — халқ вакилларисиз. Халқни ким ҳимоя қилади, халққа ким йўл кўрсатади?

Бундай хавфни ҳар бир одам сезиб, онгидан ўтказиши керак.Биз бугун нима учун мана шу Виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқяпмиз? Бунинг сабаби шуки, мазкур қонун 1991 йилда, яъни Конституциямиздан бир ярим йил олдин қабул қилинган эди. Ҳозир янги Конституцияни қабул қилдик, кўп қонунларни ишлаб чиқдик. Энди ҳаётимиз учун, келажагимиз учун, фарзандларимизнинг соғлом эътиқоди учун аҳамиятли бўлган, демократиянинг энг муҳим шарти бўлмиш виждон эркинлиги масаласини қайтадан кўриб чиқяпмиз.

Олимларимиз, таълим-тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, болаларимиз тақдири учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиши, болаларимизни бундай ёвуз хавфдан ҳимоя қилишлари керак. Тарбиячилар, олимлар, домлалар томошабин бўлиб ўтирмаслиги лозим. Фарзандларимизни ким тўғри йўлга солади, ким уларнинг онгини тозалайди, ким уларга ҳақ гапларни гапириб, ҳаётда ўз эътиқодига суяниб яшашни ўргатади, тарбиялайди? Ёшларнинг тўғри йўл танлашида ким биринчи бўлиб ёрдам бериши керак, уларга ким таянч бўлиши лозим?..

Афсуски, бундай ишлар ҳозирча йўқ даражада! Нима учун бу масалада лоқайдликка, бепарволикка йўл қўйиляпти? Одилона, оқилона йўл тутиш ўрнига баъзи ҳокимлар ўзи масжид қурилишида ҳомий бўлиб, биринчи ғиштни қўйиб юрибди. Ахир, сен ҳокимсан, олдин мактаб қур, одамларнинг соғлиғини сақлаш, энг долзарб эҳтиёжларини қондириш борасида сен жонкуяр бўлишинг керак эмасми? Бўлмаса, ҳокимликни зиммага олиб нима қиласан? Масжидга бориб, имом бўл — агар эътиқодинг ёки билиминг тўғри келса. У ерда маошинг кўпроқ, масъулиятинг, жавобгарлигинг эса камроқ бўлади.

Ҳоким деганда биз мутлақо бошқача, мана шу туман, мана шу вилоятнинг ҳимоячиси, керак бўлса тақдирини, ҳаётмамотини ҳал қиладиган фидойи одамни тушунамиз. Вилоят ёки туманда нима воқеа рўй берса, виждонли ҳоким аввало ўзи жавоб бериши керак. Шунинг учун бу масалани кўраётганда ҳаммамиз, аввало шу ерда ўтирганлар ўз масъулиятимизни чуқур англаб, ҳис этиб юртимизга жанубдан келаётган хавфнинг олдини олиш, болаларимизни ёт таъсирлардан сақлаб қолиш тўғрисида ўйлашимиз керак. Зеро, мен ваҳҳобийман деган ёш бола ҳам ўзбек боласи, бизнинг миллатимизнинг боласи, халқимизнинг боласидир. Уни тўғри йўлга солиш барчамизнинг бурчимиздир.

Телевидение орқали Наманганда бўлган воқеаларнинг кўлга олинган иштирокчилари, милиция ходимини ўлдириб кетганлар кўрсатилди. Кўз ёшларидан ожиз бўлиб қолган онаизорларнинг нима айби бор? Нима учун биз бу масалага бепарвомиз? Бу ишларга биз — жамоатчилик ҳам айбдор эмасми?!

Шунинг учун мен сизларга мурожаат қилиб айтмоқчиман. Ҳар ким виждонан, қалбидагини гапирсин. Ҳақиқатан ҳам шу хавфни сезяптими-йўқми? Мен айтган гапларга қўшиладими-йўқми, шу тўғрида гаплашиб олайлик, фикр алмашайлик. Энг муҳими, зарур хулосаларни чиқарайлик. Ватанимизни, диёримизни бало-қазолардан ҳамжиҳат бўлиб асрайлик.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

АҚШ давлат секретари Мадлен Олбрайт Яқин Шарқ тинчлик музокараларини қайта ривожлантириш бўйича Лондонда Исроил Бош вазири Бенямин Нетаньяху билан сўзлашмоқда. У кейинроқ Фаластин раҳбари Ёсир Арофат билан ҳам айрим учрашувда бўлади.

***

Индонезияда намойишчи талабалар ва полиция ўртасида тўқнашув рўй бериб, ўнларча киши яраланган пайтда Индонезиянинг

ИМТИҲОНЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

(Боши 1-бетда)

Э. ҲАЙДАРОВ, Чортоқ шаҳридан:

— Ўқувчи касаллиги туфайли имтиҳонлардан озод қилинадими?

— Бундай ҳолларда Халқ таълими вазирлигининг 1995 йил 22 майдаги 99-сонли, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1995 йил 23 майдаги 230-сонли қўшма буйруқлари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 1997 йил 20 февралдаги 53-сонли буйруғи билан тасдиқланган йўриқномага асосланилади.

Мабодо ўқувчи имтиҳон кунлари касаллиги туфайли бирон-бир имтиҳонга қатнаша олмаса, тиббиёт хулосаси ва мактаб директори буйруғига биноан барча имтиҳонлар тугагандан кейин махсус жадвал асосида қолдирилган имтиҳонларни топширишга рухсат этилади.

А. НИЗОМИДДИНОВА, Тошкент шаҳридан:

— Махсус фанлар бўйича имтиҳон материаллари кимлар томонидан тузилади?

— Махсус фанлар бўйича имтиҳон материаллари ўқув муассасаси ўқитувчилари томонидан тузилиб, методбирлашма муҳокамасидан ўтказилади ва директор томонидан тасдиқланади.

Б. КОЧЕТКОВ, Тошкент шаҳридаги 110-мактаб ўқитувчиси:

— Якуний баҳо қандай қўйилади? Бунда ўқувчининг рейтинг баҳолари ҳисобга олинадими?

— Фанлар бўйича якуний баҳо битирувчи ўқувчининг йиллик ва имтиҳон баҳолари, шунингдек, чораклик (ярим йиллик) баҳолари инобатга олинган ҳолда қўйилади. Агар мактаб рейтинг тизими асосида ишлаётган бўлса, якуний баҳолашда ўқувчи томонидан бажарилган назорат ишлари, топширилган синовлари ҳисобга олинади.

В. КОРОТКОВ, Навоий вилояти ХТБ етакчи мутахассиси:

— 9-синфда она тили ва адабиёт фанидан ўтказиладиган ёзма иш натижаси қайси фанга қўйилади?

— Ўтказилган ёзма иш натижасига кўра, мазмун жиҳатидан қўйилган баҳо адабиёт ўқув фанига, ёзув саводхонлиги учун эса она тили фанига қўйилади.

С. ЖУМАБОЕВ, Бекобод туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси:

— Вазирлик махсус буйруғига кўра IBM ва «Правец-8 А» русумли компьютерлари бўлган мактабнинг 50 фоизида 9 ва 11-синф ўқувчиларидан тест-синов асосида ўтказилсин, дейилган. Бунинг ташкилий томонлари қандай бўлади?

— Биринчидан, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими вилоят халқ таълими бошқармасига туман (шаҳар)да нечта мактабда ўтказиш ҳақида маълумот беради. Шу асосда РТМ (республика Таълим маркази) компьютер учун дискетларни тайёрлайди. Бу дискетлар 15 майга қадар вилоят халқ таълими бошқармасига етказилади. Вилоят халқ таълими бошқармаси эса жойларга етказади.

А. ҲАЙДАРОВ, Куйи Чирчиқ туманидан:

— Чет тили (инглиз, немис, француз) ўқув фанидан дарс берадиган ўқитувчи йил давомида бўлмади. Шу ўқув фанидан гувоҳнома ва шаҳодатномага баҳо қандай қўйилади?

— Вазирликнинг махсус буйруғи билан тасдиқланган Йўриқномага асосан мазкур ўқув предметига баҳо қўйилмайди.

Ў. ЙЎЛДОШЕВ, Хоразм вилоятидан:

— Республикамизда таълим рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларнинг ўқувчилари қай тартибда битириш имтиҳонлари топширадилар?

— Республикамизнинг таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларида ҳам битириш имтиҳонлари Халқ таълими вазирлигининг 55-сонли (12.03.98 й.) буйруғи асосида ўтказилади. Бу хилдаги мактаблар учун материалларни республика Таълим маркази томонидан тайёрланади ва жойларга етказилади.

— Болалар халқаро олимпиадага боришади. Улар битириш имтиҳонларидан озод қилинадими?

— Ҳа. Битирувчилар имтиҳон кунлари бўлиб ўтадиган Халқаро олимпиадалар, спорт мусобақалари, мусиқа кўрик-танловларида қатнашиши муносабати билан якуний аттестациядан озод этиладилар. 9-синф ўқувчилари туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, 11-синф ўқувчилари эса ВХТБ буйруғи билан имтиҳонлардан озод қилинадилар.

— Фарзандларимиз на имтиҳон билетларини, на иншо мавзулари ва на бирон-бир имтиҳон материалларини шу кунга қадар олишмаган. Булар билан ким қайси муддат ичида ва қай тарзда таъминлаши керак?

— Битирувчилар учун барча фанлар бўйича имтиҳон материаллари республика Таълим марказида тайёрланмоқда. Айни пайтда рисола шаклида чоп этилган имтиҳон материаллари ҳамда компьютерлар учун вариантли дискетларни РТМ ҳисобхонасига пул ўтказиш йўли билан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармаси орқали олиш мумкин.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ тайёрлади

Илм ўргатиш улкан савоб келтирувчи ишлардандир. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Саиджон Калонов номли 96-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Раъно Азимбоева ҳам мана деярли қирқ йилдирки, болажонларимизга ҳарф танитиб, саводини чиқаришдек масъулиятли ва савобли юмуш билан шуғулланиб келади. Ҳозир Раъно опанинг кўплаб шогирдлари ўз устози касбини танлаб, муаллимлик соҳасида фаолият кўрсатмоқдалар. Жумладан, 96-мактаб муаллимлари Марғуба Калонова, Наргиза Жалилова, Шаҳло Ғаниева, Гўзал Нурмуҳамедовалар бугунги кунда мактаб жамоасининг фахрланишга арзийдиган муаллимларидир. Раъно опа ўзининг ҳалол ва сидқидилдан қилган меҳнатлари учун «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси», «Ўқитувчи-услубчи», «Ихтирочи ўқитувчи» каби фахрли унвонларга лойиқ топилган. Гарчи бу инсон 60 ёшдан ошган бўлса-да, ҳамон савоб иш қилишдан чарчамай келмоқда.

СУРАТДА: Раъно опа Азимбоева 3-синф ўқувчиларига янги дарсни тушунтирмоқда.

Рустам ШАРИПОВ олган сурат

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Узбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этишда тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларининг вазифалари» мавзусидаги семинар ўқуви март ойида Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри ҳамда Фанлар академияси тармоқ касаба уюшмаси фаоллари учун ўтказилган эди. Бухоро шаҳрида эса 14—16 апрель кунлари Бухоро, Хоразм, Навоий вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси шаҳар, туман олий ва ўрта махсус ўқув юртлари лицей қўмиталарининг раислари иштирокида ўтказилади. Фаоллар семинарига Бухоро вилоят ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎзФА, «Маҳалла» жамғармаси Бухоро вилояти бўлими, вилоят прокуратураси, адлия бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг масъул ходимлари таклиф этилдилар. Халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ этишда Халқ таълими вазирлигининг вазифалари хусусида вазир муовини Х. Маъсудов, янги ўқув муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ҳақида Бухоро вилояти ўрта махсус касб-ҳунар бошқармаси бошлиғи Н. Иноятовлар маъруза қилдилар. «Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида тармоқ ходимлари талаба ёшларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш борасидаги Узбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг вазифалари» юзасидан Марказий қўмита раиси И. Аблуганиев маъруза қилди. Бухоро Давлат университети доценти Ш. Хайтовнинг «Ислом динидаги айрим экстремист, фундаменталист ваҳобийлик характеридаги оқимларнинг моҳияти, талаба ёшлар, ўқувчилар орасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари ва тадбирлари ҳақида»ги маърузаси долзарблиги жиҳатидан тингловчиларнинг эътиборини жалб этди.

Й. АҲМЕДОВ, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

Ta'lim muassasalarida

Бу шинам лицейга ҳар гал борганимда академик Сирожиддинов илмнинг ўлмаслигига гувоҳлик бериб, зийрак нигоҳлари билан шогирдларининг олиб бораётган ишларини кузатиб тургандек туюлади. Ўзбекистонда математика фанининг ривожига катта ҳисса қўшган Саъди Сирожиддинов номи билан юритиладиган лицей 1970 йилда Тошкент Давлат университети қошида ташкил топди. Пойтахтнинг Чилонзор туманининг соя-салқин гўшасини макон этган. Бу билим маскани 1992 йилдан лицей-интернат мақомини олди. Математика, иқтисодиёт, физика, химия, биология, гуманитар йўналиш бўйича 500 га яқин ўқувчи таълим-тарбия олади. Лицей директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент Қосимали Абдуллаев билан суҳбатимиз ана шу лицейдаги ўқув жараёни, олиб борилаётган ишлар ҳақида бўлди.

— Ассалому алайкум, домла! Кайфиятингиз қалай? Ўқувчиларнинг аҳволи яхшими?

— Раҳмат. Ўқувчиларимиз билан ҳозир ўзингиз гаплашасиз. Бизнинг кайфият яхши.

— Лицейда ўқувчиларга дарслар маъруза тартибида берилаётган экан. Тўқсон минут ўқувчиларга оғирлик қилмасмикан?

— Ҳозирча ўқувчилар дарсларни яхши қабул қилаяпти. 45 минут маъруза. Кейинги 45 минутда эса маърузалар амалий дарс билан мустаҳкамланади. Бу ҳам олий ўқув юртида болаларни билим олишга тайёрлайди. Икки-уч семестрга бўлиб имтиҳондан ўтказамиз.

ПАРВОЗГА ШАЙЛАНАЁТГАН ФАРЗАНДЛАР

— Ўтган йили битирувчиларнинг қанчаси олий ўқув юртларига кирди?

— 131 нафар битирувчидан 117 нафари олий ўқув юртларининг талабаси бўлди.

— Олимпиадалардаги муваффақияти-чи?

— Чакки эмас. Икки ўқувчимиз химия ва математика йўналиши бўйича Республика олимпиадасида иккинчи ўринни олдилар. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, юринг, ўқув кабинетларини, ётоқхоналарни ўз кўзингиз билан кўринг.

Лицейга икки йилдан буён раҳбарлик қилаётган Қосимали ака Абдуллаев ғайратли, шижоатли инсон. Буни ўқув даргоҳида олиб борилаётган ишлардан ҳам сезса бўлади. Бу ерда ҳар бир нарса кўз қорачиғидек асраб-авайланади. Шунинг учун ҳамма ёқ яраклаган, озода. Шинам. Ўқувчилар учун лицейнинг кутубхонаси ишлаб турибди. Уч маҳал иссиқ овқат. Ётоқхоналар ботартиб.

Хоналарни айландик. Ўқувчилар иккита-иккитадан бўлиб дарс тайёрлаяпти. Тўққизинчи синфларнинг «Маънавият хонаси»да республикамизнинг марказий нашрлари қўйилган. Ўқувчилар «Оила ва жамият», «Қалб кўзи», «Маърифат», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон», «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишган. Мана энди улардан лицей ўқувчилари баҳраманд.

Отабек Иброҳимов Чимкент вилоятининг Сайрам туманидан. Бўш вақтларида қўшиқ айтади. Адабиёт, тарих фанининг ихлосманди. Аброр Қосимов молия институтига кириш иштиёқида. Алишер Исроилов инглиз тилига меҳр қўйган. Зиёда Умарова, Феруза Хўжаева, Феруза Муҳамедовалар шифокорлик касбини танлашган. Муҳими, ўқувчиларнинг барчаси зийрак. Қайси институтга киришини, нималарни ўқиш кераклигини билади.

Лицейда ўқувчиларнинг илмга бўлган иштиёқи, илм олиш йўлидаги интилишларини кўриб Президентимизнинг қуйидаги сўзлари ёдимга тушди:

«Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак».

С. Сирожиддинов номи билан юритиладиган лицейда фарзандлар билим сирларини ўрганиб, улкан парвозга шайланишяпти.

Мирфозил Мирзааҳмедов, Абдураҳим Саидов, Шоҳдор Аҳмедов сингари устозларнинг борлиги эса парвознинг юксак бўлишига кафолатдир.

Абдураҳмон ЖЎРА, «Маърифат»нинг махсус мухбири

Oliy o'quv yurtlarida

ХОРИЖЛИК ОЛИМ МАЪРУЗАСИ

Низомий номли Тошкент давлат педагогика университетида «Маънавият ва маърифат» бўлими ташаббуси билан АҚШнинг Нью-Палтц университети сиёсатшунослик ва халқаро муносабатлар факультетининг декани, мазкур билим даргоҳидаги кадрларни қайта тайёрлаш Марказининг ташкилий ишлар бўйича етакчи мутахассис-эксперти жаноб Лиюс Броунштейннинг маърузалари ташкил қилинди.

Хорижлик олим асосан АҚШдаги барча бугун ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари ҳамда Нью-Палтц университетидаги таълим жараёни, ўқитиш методикаси стандартлари ва унга қўйиладиган талаблар, таълим тизимида жорий этилаётган янги технологиялар хусусида батафсил маълумотлар берди.

Қизиқарли ўтган мулоқотда университет ректори, профессор Б.Қодиров, «Устоз» жамғармаси раиси, академик С.Ғуломов, Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор А.Қиргизбоевлар ва факультетлардан ташриф буюрган профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этишди.

Нур АЛИ

Yaxshilar oramizda

ФИДОЙИЛИК НАМУНАСИ

Халқимиз «Киши меҳнати билан қадрли» дейди. Кишининг меҳнати, хизматлари эл-юртга, жамиятга кўрсатаётган нафи, яратувчанлиги, фидойилиги билан ўлчанади, баҳоланади. Ана шундай кишилардан, илм-фан аҳилларидан бири, таниқли услубчи олим, педагогика фанлари номзоди, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг доценти, физика ва меҳнатни ўқитиш услуби кафедрасининг мудири Абдураҳим Намозовдир.

А. Намозов ҳозирги Хўжанд давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кириб, уни 1961 йилда имтиёзли тамомлади. У аввало ўзи ўқиган мактабда ўқитувчи, кейинчалик С. Айний номидаги Самарқанд педагогика институтида лаборант, ўқитувчи, Боку Давлат университетида аспирант бўлиб хизмат қилди, ҳамда ўзининг илмий тадқиқоти йўналишини танлаб олди.

А.Намозов 1974 йилдан буён Жиззах Давлат педагогика институтида турли вазифаларда, «Умумий физика», «Физика ва меҳнатни ўқитиш услуби» кафедраларида мудир, «Умумий техника» факультетида декан бўлиб фаолият кўрсатди.

Унинг илмий педагогик фаолияти икки йўналишдан, физика ва меҳнатни ўқитишни такомиллаштириш масалаларидан иборат бўлиб, бу масала 1979 йилда олим томонидан тўла-тўкис очиб берилди. А. Намозов физика ва меҳнат таълими фанларини ўқитиш услуби илмида янги бурилиш ясади ва шу йил педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

А. Намозовнинг 70 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалари эълон қилинган. Унинг илмий-тадқиқот ишлари институтда, вилоятда, республикамизда, Россия, Озарбайжон, Белоруссия, Тожикистон илмий марказларида муҳокама этилиб, шу соҳанинг зукко фозилу олимлари орасида маъқулланган.

Унинг бевосита раҳбарлигида институтда ўқув телемарказ ташкил этилди, вилоятдаги кўплаб мактабларда физика кабинети, меҳнат устахоналари яратилди. Жиззах шаҳридаги иккита ўрта мактабда кафедра филиаллари ишлаб турибди.

Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Амир Темур илмий меросларини ўрганиш ва уни тарғибот қилиш ишлари юзасидан илмий-назарий анжуманлар ўтказилиб, талабаларнинг маънавий ва маърифий тарбиясига алоҳида эътибор қаратилишида ҳам жонкуяр олимнинг ҳиссаси беқиёс.

Таниқли услубчи олим А. Намозовнинг ҳаёт йўли ва илмий-педагогик ишларининг натижалари халққа фидойилик билан хизмат қилишнинг намунасидир. У мустақил Ўзбекистонимизнинг миллий кадрлар тайёрлаш дастурини амалга оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади, деб умид қиламиз.

Хайрулла ИНАТОВ, Ёркул АЛИМҚУЛОВ, А. Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтининг доцентлари

«УСТОЗ» ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТДИ

Мамлакатимизда «Устоз» жамғармасининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Жамғарма ривожланган демократик мамлакатларнинг ижобий таълим тажрибасини ўзлаштиришни қўллаб-қувватлаш, чет элда тажриба орттиришни ташкил этиш ва юртимизда янги педагогик технологияларни жорий этиш, хорижий мутахассислар иштирокида республикамизда ўқитиш йўли билан таълим муассасаларининг профессор ва ўқитувчилари сафидан юқори малакали педагоглар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар залида бўлиб ўтган брифингда жамғарманинг бугунги фаолияти, истиқболдаги дастурий йўналишлари ҳақида сўз борди.

Брифингни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошқарди. «Устоз» республика жамғармаси раиси Саидаҳрор Ғуломов жамғармада қисқа муддатда амалга оширилган ишлар хусусида ахборот берди.

Дарҳақиқат, сўнги пайтларда «Устоз» ташаббуси билан педагогларни етакчи хорижий илмий ва таълим муассасаларида тайёрлаш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Жорий йил 15 майдан 15 июнга қадар жамғарма мамлакатимиз равнақи учун зарур бўлган маркетинг, менежмент, бизнес менежинги, социология, педагогика-психология, халқаро ҳуқуқ, нефть ва газ индустрияси, халқаро иқтисодий муносабатлар каби ўнлаб устувор соҳалар бўйича ўқитувчи ва педагогларни қайта тайёрлаш, улар малакасини ошириш, тажриба алмашишни ташкил этиш танловини эълон қилди. Танловнинг 862 нафар ғолибига чет элда ўқиш учун давлат грантлари топширилади. Шунингдек, жамғарма бошқаруви 1998-1999 ўқув йилларида ўқитувчилар малакасини чет эл таълим марказларида ошириш, халқаро таълим лойиҳа ва дастурларида қатнашиш, узлуксиз таълим тизимини ахборот билан таъминлаш ва шу мақсадда умумжаҳон ахборот тармоғига боғланишига кўмаклашиш борасида айни кунларда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Малайзия, Корея каби илғор таълим технологияларига эга бўлган давлатлардаги ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатмоқда.

Брифингда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев сўзга чиқишиб, ҳукуматимизнинг таълим сиёсати, унга кўрсатаётган ғамхўрлиги, келгусида юртимизда бу соҳани янада янги ва юқори поғоналарга кўтариш лозимлиги хусусида фикр юритдилар.

Брифингда «Устоз» республика жамғармаси таъсисчилари, тегишли идора ва вазирликлар раҳбарлари, чет элларнинг мамлакатимиздаги дипломатик корпуси вакиллари, журналистлар ҳозир бўлишди.

Норали ОЧИЛОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири

«Устоз» республика жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабридаги 576-сонли «Устоз» республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида»ги қарорининг 4-бандини бажариш, яъни Республикамизда педагогик фаолиятнинг ижтимоий мақоми ва обрў-эътиборини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика Фанлар академияси билан ҳамкорликда «Йилнинг энг яхши мураббийси», «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» ва «Йилнинг энг яхши илмий раҳбари» кўрик-танловларини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловларда республикамиздаги барча таълим муассасаларининг профессор-педагог ва ўқитувчи-ходимлари таркибидан олий маълумотли бўлган ва қуйидаги мезонларга жавоб берадиган Ўзбекистон фуқароси қатнашиши мумкин:

— танлаган мутахассислиги бўйича узлуксиз 5 йиллик меҳнат фаолиятига (иш стажига) эга бўлган ва ўз соҳасини мукаммал ўзлаштирганлар;

— илмий-услубий ва ўқув-тарбиявий жабҳалар тадқиқотлар юритувчи, узлуксиз таълим тизимининг етук ходимлари ва ташаббускорлари;

— ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий жабҳаларда чуқур билимга эга ва ўз билимидан мураббийлик, ўқитувчилик ва илмий раҳбарлик фаолиятида самарали фойдалана оладиган ўқитувчилар ва ходимлар;

— юқорида қайд этилган тамойилларни ўқув-тарбиявий соҳаларда чет эллардаги илғор тажрибалар ва бошқа мавжуд янги усуллар билан ижодий мувофиқлаштирувчи, ватанпарвар, миллий маданиятимизнинг етакчи вакиллари;

— ўқувчиларининг (шогирдлари ва талабалари) юқори даражадаги тайёргарлиги, маънавий дунёси, билими, маданияти, ахлоқ-иродаси, ватанпарварлик хуссусиятлари яққол кўзга ташланадиган муҳим ижтимоий-педагогик кўрсаткичларига эга шахслар.

Танловларда қатнашиш истагини билдираётган ва унвонга талабгорларнинг ҳужжатларини жамғарманинг тегишли вилоят бўлимлари қошида ташкил қилинган танлов комиссияси қабул қилади.

Танловда қатнашишга тавсия этилган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар;

— таълим муассаси тавсияномаси;

— олий ўқув юртини тугатганлиги, илмий даражаси, унвони ҳақидаги ҳужжатларнинг тасдиқланган (ксерокопияси) нусхалари;

— матбуотда эълон қилинган (алоҳида шакл бўйича) ишлар рўйхати;

— ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси;

— меҳнат дафтарчасидан кўчирма;

— фотосурат (2 дона, 3х4 ҳажмдаги);

— рейтингни аниқловчи таълим муассаси тўлдирган махсус анкета (қайси танловда қатнашишга қараб, вилоят бўлимларидан тегишли рейтинг сўровини олиш лозим);

— юқори малака мутахассислигини ва педагогик фаолиятдаги ютуқларини белгилайдиган бошқа ҳужжатлар.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар тавсия бераётган таълим муассасаси томонидан тасдиқланиши ва энг кечи билан 5 июнгача Жамғарманинг вилоят бўлимларига топширилиши лозим (Жамғарманинг тегишли вилоятларда жойлашган бўлимлари манзиллари тўғрисидаги барча маълумотлар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг шу йил 3 апрель сонидаги эълонимизда берилган).

Барча танловларимиз 1998 йилнинг 5 июнидан бошланиб, 4 босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич (эълон матбуотда чоп этилган кундан 5 июнгача). Зарур ҳужжатларни тайёрлаш, кафедралар ва бошқа бўғинлар тавсиялари ва унвонга даъвогарларга бўлган талаб-мезонларни ҳисобга олган ҳолда, таълим муассаси томонидан ўтказилади. Таълим муассаси ўқитувчининг рейтингини чиқаради, рейтингнинг якуний баҳоси асосида таълим муассасининг тавсияномаси (исталган шаклда) ишлаб чиқилади ва номзоднинг ҳужжатлари «Устоз» республика жамғармасининг вилоят танлов бўлимига юборилади.

Иккинчи босқич (5 июндан 10 июнгача). Рейтингнинг умумлаштирилган натижалари, тақдим этилган ҳужжатлар асосида Жамғарма вилоят танлов бўлими томонидан ўтказилиб, барча таълим муассасалари номзодлари кўрсаткичлари даражасининг зарур талабларга мувофиқлиги аниқланади.

Учинчи босқич (10 июндан 20 июнгача). Танлов ғолибига бўлган умумий талабларни ҳисобга олган ҳолда, тегишли унвонга даъвогарнинг фаолияти тўғрисидаги аноним экспресс-анкета Жамғарма танлов бўлими томонидан, танловнинг аввалги босқичларидан муваффақиятли ўтган номзодларни тавсия этган муассасаларда, жойларга бориб ўтказилади. Экспресс-анкета ва рейтинг натижалари асосида комиссия номзоднинг умумий балини чиқаради ва босқич ғолибини аниқлайди. Шу босқич ғолиби ҳужжатлари, экспресс-анкета натижалари билан биргаликда «Устоз» Республика жамғармасига юборилади.

Тўртинчи босқич (20 июндан 1 июлгача). Низомга мувофиқ Республика танлов комиссияси Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги танлов бўлимлари тақдим этган унвон совринларига даъвогарларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва тегишли тезонларкўрсаткичларга асосан танловлар ғолибларини аниқлайди.

Шунингдек, «Устоз» Республика жамғармаси оммавий ахборот воситалари орқали танловлар якунларини эълон қилади.

Танловлар ғолибларини мукофотлаш маросими Республикамизнинг Мустақиллик кунида ўтказилади.

Танловларда қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ҳамда танловлар босқичларида қатнашиш бўйича қизиқтираётган барча саволлар, шу жумладан, танлов шартлари ва Низомлари талаблари, рейтинг шартлари, эксперсс-анкета маълумотлари тўғрисидаги барча саволлар билан Жамғармамизнинг вилоятлардаги бўлимларига ёки бевосита республика «Устоз» жамғармасининг қуйидаги манзилда жойлашган маъмуриятига мурожаат қилишингизни сўраймиз: Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45, 407-409 хоналар, телефонлар: 132-60-17, 45-71-63, факс 132-60-16; E-mail: Fond @ ystoz. silk. org.

Sport maydonchasi

КОРТДА ЯНА РАҲБАРЛАР

Теннис ишқибозларининг севимли томошасига айланиб қолган «Ҳавас» турнирининг учинчи бор ўтказилишига ҳам тайёргарлик қизғин кечмоқда. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда юқори мартабали раҳбарлар иштирокида бўладиган бу ўзига хос беллашувни байрамона ўтказиш ташкилий қўмитанинг асосий вазифаларидан бири. 7-8 май кунлари пойтахтимизнинг «Динамо» теннис ўйингоҳида бўлиб ўтадиган «Ҳавас» турнири бу гал ҳам томошабинларга олам-олам қувонч ва таассуротлар бахш этса ажабмас.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Швейцарияда хоккей бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Унда ҳар галгидек Европа ва Америка қитъасидан эмас, балки ўзимизнинг Осиёдан ҳам командалар қатнашмоқда. Сўнгги турда осиёлик японлар ҳам, қозоқлар ҳам мағлубиятга учради. Шундай бўлса-да, ушбу командалар ишқибозларда катта таассурот қолдирди.

ЯНА БИТТА БРАЗИЛИЯЛИК

«Пахтакор» ҳамда «Ўзбекистон» терма командасида яна бир хорижлик мураббий пайдо бўлди. Бразилиядан таклиф этилган жаноб Фельсо Д. Резенди илгари Убераже Вега да Силва билан бирга ишлаган. Маҳорати ўзига хос. У бундан буён футболчиларимизнинг жисмоний томонига жавоб беради.

МИРЖАЛОЛНИНГ БЕШИНЧИ ТЎПИ

Мамлакат чемпионатининг 8-тур учрашувлари бўлиб ўтди. «Пахтакор» ўз майдонида «Трактор»ни қабул қилиб, дуранг (2:2)га эришди. Ушбу учрашувда Миржалол Қосимов мавсумдаги бешинчи тўпини киритди. Кейинги катакда мусобақа жадвалининг юқорисида бораётган командалар эришган натижалар билан танишасиз.

8-ТУРДАН КЕЙИНГИ ҲОЛАТ

	Ў	Ю	Д	М	Т—Н	О
1. «Пахтакор»	8	6	1	1	18—7	19
2. «Навбаҳор»	8	6	0	2	18—6	18
3. «Сўғдиёна»	8	6	0	2	16—7	18
4. «Нефтчи»	8	5	1	2	17—8	16
5. «Бухоро»	8	4	2	2	11—7	14

O'zbekiston qo'shiq bayrami

НАВРЎЗИМ — ШЎХ СОЗИМ

Ҳабиб Раҳмат шеъри
Надим Норхўжаев мусиқаси



1. Наврўз келди кулиб-кулиб,
Боғу далам гулга тўлиб,
Қушлар сайрар жуфт-жуфт бўлиб,

Нақорат:
Наврўзим, ўз сўзим,
Шод овозим, шўх созим.

2. Наврўзимни севар жаҳон,
Она диёр дориломон,
Кундан-кунга завқли даврон,
Нақорат:

3. Яхши ният ҳар кўнгилда,
Хуррам кунлар кезар элда,
Такрор-такрор дилда, тилда.
Нақорат:

Tadbir

СПОРТ ВА МУСИҚА УЙҒУНЛАШДИ

Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларининг спорт майдонлари, ўйингоҳларида ва шунингдек, жойлардаги турли спорт мажмуаларида ёшларимизнинг эпчиллик ва зукколиклари, куч-ғайратини акс эттирувчи турли спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Ўсиб келаётган авлоднинг келажакда соғлом, баркамол бўлиб етишишида ҳам спортнинг, жисмоний тарбия машғулотларининг ўрни беқиёсдир. Бу борада уқув муассасаларида амалга оширилаётган қатор тадбирлар оммавий тус олаяпти. Ана шундай катта спорт байрамининг бири пойтахтимиздаги I-Тошкент педагогика билим юртида бўлиб ўтди.

Билим даргоҳида йил мобайнида ўтказилиб келинган спорт мусобақаларининг якуний босқичи катта байрамга айланиб кетиб, унга билим юртининг 1200 дан зиёд уқувчилари фаол қатнашдилар. Улар спортнинг баскетбол, волейбол, мусиқали гимнастика, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат ва шашка каби турларида ўз кучларини синаб кўрдилар. Айниқса, мазкур билим юрти ётоқхонасида истиқомат қилувчи уқувчи ёшлар ўртасида ҳам алоҳида спорт беллашувларининг ўтказилганлиги эътиборга сазовордир.

— Уқувчиларимизнинг бугунги якуний спартакиадаси Оила йилига бағишланади. Зеро, оила тинч бўлиши учун, унинг аъзолари соғлом бўлиши керак. Соғлом танда эса соғлом фикр туғилади, — деди спорт байрамининг тантанали очилишида билим юрти директори, тажрибали педагог Миннаввар Исмоилова. — Шунинг учун ҳам билим юртимизда уқувчиларимизнинг спорт билан шуғулланишларига барча имкониятлар яратилган.

Майдон узра мусиқа садоси янгради ва ўртада байрам иштирокчилари, яъни турли спорт кийимларидаги уқувчи қизларимизнинг қўлларида ранг-баранг байроқчалар билан мусиқали композицияси бошланди. Бу чиқишларда мусиқа ва спортнинг қанчалик узаро уйғун эканлигини қизларимиз зўр маҳорат билан кўрсата билдилар. Майдонга гоҳ ритмика гимнастикачилари, гоҳ машҳур «Пахтакор» футбол жамоаси майкачаларида тўп тепишиб чиққан билим юрти спортчилари бу ерга байрамона руҳ олиб кирдилар. Ора-орасида ижро этилган мусиқали клиплар ҳам байрам дастурига айрича файз киритди.

Бунинг барчаси билим даргоҳи жамоасининг ушбу спорт байрамини ўтказишга астойдил киришиб, уни ҳам бадиий, ҳам эстетик жиҳатдан чиройли ташкил қилишга пухта ҳозирлик кўрганларидан далолат берарди.

Шу куни билим юрти спорт майдончасида Давлат спорт ва жисмоний тарбия қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти, шаҳар спорт қўмитаси, Чилонзор туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, туман Қизил Ярим Ой жамияти ва бошқа таълим муассасаларидан меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Байрамда 1-Тошкент педагогика билим юртининг «Энг яхши жисмоний тарбия ўқитувчиси» бўлиб Уткир Талабоев эълон қилинди. Унга ва билим юрти жисмоний тарбия раҳбари Зайниддин Икромовга, шунингдек, байрамга фаол қатнашган қатор ўқитувчиларга Фахрий Ёрлиқлар ва совғалар топширилди. Спорт турлари бўйича фахрли ўринларни эгаллаган уқувчи қизлар ҳам махсус мукофотлар билан тақдирландилар.

Нурлан УСМОНОВ,
«Маърифат» мухбири

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.
Марат АРИНОВ олган суратлар

1998 yil — Oila yili

НЕМИСЧАНИ БИЛАДИГАН ПОЛВОН

Жамшид Уринов Хатирчи туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган 54-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси. Навоий вилоятида ўтказилган жаҳон тиллари кўрик-танловида немис тили бўйича Жамшидга тенг келадигани бўлмади. У вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси томонидан тақдирланди. Жамшиджон немис тилида шу қадар равон сўзлайдики, ҳайратдан оғзингиз очилади.

Дарвоқе, Жамшид немис тилини мукаммал ўзлаштириш билан бирга навоийлик ўсмирлар ўртасида миллий (бухороча) кураш бўйича ҳам чемпионликни икки йилдан буён сақлаб келмоқда.

Жамшиджоннинг отаси Суннат полвон 1979—80 йилларда миллий кураш чемпиони бўлган. Унинг кейинги ўғиллари Азизбек, Рустамлар ҳам митти полвонлардир. Жамшиджоннинг онаси Насибахоннинг қалби фахрга тўлиқ. Зеро, бундай фарзандлар ота-онанинг юзини ҳеч қачон ерга қаратишмайди.

Ўткир ПЎЛАТОВ,
Хатирчи тумани

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Зайнаб Шукурова, сиз чорак асрдирки ўрта мактабда тил ва адабиётдан ёшларимизга сабоқ бердингиз.

Бугунги қутлуғ 50 ёшга тўлишингиз билан Сизни чин дилдан қутлаймиз. Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, яхши кайфият тилаймиз. Омад Сизга ҳамиша кулиб боқаверсин!

Самарқанд шаҳри, Боғишамол тумани халқ таълими бўлими жамоаси



Ҳурматли устозимиз Худойберган Эгамбердиев!

Сизни қутлуғ 50 ёшга тўлганлигингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Аҳил жамоамизни эзгу мақсадлар сари етаклашдаги шарафли ва машаққатли фаолиятингизда Сизга ҳамиша соғлик-саломатлик, хуш кайфият ҳамроҳ бўлсин.

Ҳамза туманидаги 155-мактаб жамоаси

ҒОЛИБ — ЛИЦЕЙ ЖАМОАСИ

Яқинда Балиқчи туманидаги 5-мактабда янгича маҳорат синовларидан бири — Ўрмонали Отабоев хотирасига бағишланган волейбол бўйича очиқ турнир ташкил этилди. Унда Андижон вилоятидан ўнта саралланган спорт жамоаси қатнашиб, ғолиблик учун қизғин кураш олиб бордилар.

Ўйинларни юқори савияда ўтказган Балиқчи туманидаги давлат муассасалари ходимлари, касаба уюшмалари ва тумандаги 5-ҳунар лицейининг илғор жамоаси финалга йўлланма олдилар. Якуний мусобақада кураш, айниқса, жуда ҳаяжонли ўтди. Бунда 5-ҳунар лицейи волейболчилар жамоасининг қўли баланд келиб, хотира турнири ғолиби бўлдилар.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

МАКТАБИНИ ТАНИТГАН БОЛАЛАР

Ҳозирда Давлат Обилов раҳбарлик қилаётган Ургут туманидаги 65-ўрта мактаб 1930 йилда ташкил топганди. Бугунги кунда бу илм даргоҳида халқимизнинг 900 дан зиёд фарзандига 63 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Қувонарли томони шундаки, мактаб кўпгина соҳаларда бўлгани каби жисмоний тарбия ва спорт бўйича ҳам қатор ютуқларни қўлга киритиб келаяпти. Илм маскани довруғини юртга ёйишда бу ерда ташкил этилган «Орзу» қувноқ стартлар жамоасининг ҳиссаси бўлакчадир.

«Орзу» жамоаси 1991 йилда Волгоград шаҳри ўқувчилари билан бўлган мусобақада ҳар икки томонда ҳам ғалабани қўлга киритганди. 1995—96 йилларда вилоят танловларида фаол иштирок этди.

Жорий йилимизнинг январь ойида «Орзу» Узун туманидаги 24-ўрта мактабнинг «Оқ олтин» жамоаси билан учрашиб, 45—44 ҳисобида республика «Қувноқ стартлар» мусобақаси 1-босқич ғолиби бўлган бўлса, 11 март куни Риштон туманидаги 27-ўрта мактабнинг «Турон» гуруҳи устидан 37—16 ҳисобида ғалабани қўлга киритиб, республика «Қувноқ стартлар» мусобақаси 2-босқич ғолиби бўлди.

Жамоанинг илғорлар сафидан жой олишида жисмоний тарбия ўқитувчилари Ҳақберди Ғаффоров ва Суюн Норбоевларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Ўз навбатида «Орзу»ни отаоналар ва Амир Темур номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

Мактабда ўқувчиларни спортга қизиқишлари юқори бўлганлигини уларнинг миллий кураш, самбо, дзюдо ва классик кураш турларидан туман ва вилоятда юқори кўрсаткичларни эгаллаётганликларидан ҳам билиш мумкин. Бултур байналмилал жангчи Муҳиддин Исматуллаев хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича ўтказилган мактабларо турнирда Худойберди Шамшиев устозлик қилаётган мактабимиз жамоаси биринчиликни қўлга киритганди. Бу йил ҳам мактабда буюк муҳаддис Муҳаммад Исмоил ал-Бухорий ҳазратларининг 1225 йиллик тўйларига бағишлаб спорт мусобақалари ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Исроилхон ИСМАТУЛЛАЕВ

СПОРТ МАКТАБЛАРИ РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ

ҚИЛИЧБОЗЛИК

Тошкентдаги 18-болалар-ўсмирлар спорт мактаби залида 10 кун мобайнида қиличбозлик бўйича республиканинг етти вилояти ва Тошкент шаҳри командалари ўртасида ғолиблик учун қизғин кураш олиб борилди.

Мусобақада 159 спортчи қатнашди. Уларнинг 17 нафари спорт усталигига номзод, 92 нафари биринчи ва 13 нафари иккинчи разрядлилардир.

Рапира бўйича команда мусобақаларида ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги беллашувларда Тошкент шаҳри биринчи ўринни эгаллади. Шпага бўйича ҳам пойтахт ўсмирлар командаси ғолиб бўлди. Шпага бўйича Фарғона вилояти қизлар командаси учрашув чемпионлари бўлишди. Сабля бўйича ҳам фарғоналиклар ғалаба қозонишди.

Умумкоманда ҳисобида пойтахт спортчилари республика биринчилиги чемпионлари бўлишди.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ

Андижон шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган мусобақада Андижон, Бухоро, Тошкент, Хоразм, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси болалар спорт мактабларидан 69 уқувчи қатнашди.

Мусобақада спорт усталари ва спорт усталигига номзодлар I ва II разрядли спортчилар ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Умумкоманда ҳисобида Андижон вилояти спортчилари чемпион бўлишди. Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти гимнастикачилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Шахсий ҳисобда спорт усталиги дастури бўйича ўсмирлар ўртасида андижонлик А. Каримжонов, қизлар ўртасида хоразмлик В. Қурбонова, спорт усталигига номзодлик дастури бўйича андижонлик Р. Осимов ва қизлар ўртасида унинг ҳамшаҳари Н. Ясирева, биринчи разрядлар ўртасида андижонлик Н. Алимов, иккинчи разрядлилар ўртасида Тошкент шаҳри вакили А. Шатилов мусобақа ғолиби бўлди.

F. МАННОПОВ

Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти қуйидаги лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бўлим мудири (педагогика фанлари доктори ёки номзоди):

педагогика назарияси ва тарихи; санъат ва чизмачилик назарияси ва методикаси; маънавият, маърифат ва адабий таълим назарияси ҳамда методикаси; мактабгача ва бошланғич таълим назарияси ва методикаси; хорижий тилларни ўқитиш назарияси ва методикаси; физика, астрономия фанлари таълими назарияси ҳамда методикаси; математика, информатика фанлари таълими назарияси ҳамда методикаси;кимё, биология, география, экологик таълим назарияси ва методикаси; касбий таълим ва иқтисодий билимлар педагогикаси; таълим мазмуни ва стратегик йўналишларни аниқлаш бўлими; ўзбек тили таълими назарияси ва методикаси; тарих ва ҳуқуқий таълим назарияси ҳамда методикаси; ўқувчилар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш, соғлом авлод учун муаммолари бўлими.

Лаборатория бошлиғи (педагогика фанлари доктори ёки номзоди): психология ва дефектология; жаҳон таълим тизимини ўрганиш; ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари муаммолари; маънавият ва маърифат; таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш назарияси ҳамда методикаси лабораториялари.

Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун муддат ичида қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент-66, Олмазор кўчаси, 174-уй, 31-хона.
Тел.: 45-66-45, 45-66-44

Xullas...

СОТУВЧИНИ КУЛДИРГАНГА 100 ДОЛЛАР

Буэнос-Айресда «кулги магазини» очилди. Бу ерга кайфияти аъло бўлишини истаган ҳар бир киши кириши мумкин. Агар «харидор»нинг ҳазили сотувчида кулги уйғотса, у 100 долларлик ҳар қандай товарни текин олиш ҳуқуқига эга. Агар бунинг уддасидан чиқолмаса, қоида бўйича пул тўлайди.

Хўш, мақсад нима?

Иродага зўр бериш ва махсус машқ ҳар қандай ҳазилга сурбетларча чидаб туришга мажбур қилади. Муҳими бу эмас, магазинга қабул қилинадиган сотувчилар кулгига доир тест топшириқларини бажаришади. Агар «даъвогар» кўпчиликда қувноқ қаҳқаҳа уйғотувчи ҳазилларга табассум қилмаса, у бу ердан туёғини шиқиллатиши керак.

КОМПЬЮТЕР ВА БОЛАЛАР

«Нью-Йорк таймс» газетасида ёзилишича, компьютер ва видеоўйинларнинг зарари ҳам бор. Айниқса, болалар организмига ва миясига бунинг салбий таъсири ташвиш туғдиради. Калифорния университетининг олимлари эса тамоман бошқача фикрда. Улар ўтказган тажрибада АҚШ ва Италиянинг 200 дан ортиқ ўқувчиси иштирок этишди. Аксарият вақтини компьютер қаршисида ўтказадиган болалар ўз тенгқурларига қараганда мушоҳадаси бой бўлиб чиқди. Улар мушкул ҳолатлардан осонликча чиқиб кетишади, ҳаётдаги замонавий янгиликларга тез мослаша олишади, деб ёзади газета.

КИМ НИМА ЕЙДИ?

Бу савол ҳақиқатан ҳам қизиқ. Айримларга жирканч бўлиб туюлувчи жонзотлар бошқа миллат учун энг мазали таом бўлиши мумкин. Мана, эшитинг: корейслар учун қовурилган ит гўштидан зўри йўқ. Францияда эса қурбақа гўштини азиз билишади. Фақат улар ҳар қанақа қурбақани эмас, махсус фермаларда боқилганларинигина истеъмол қилишар экан.

Япон дўстларимизнинг сутга хушлари йўқ. Африкадаги айрим қабилаларнинг илон тутиб ейишларига нима дейсиз? Хитойликлар ҳар қандай тирик жонзотни — сичқону ёввойи ва хонаки, мушукни, ҳаттоки калтакесакни ҳам паққос тушираверадилар. Биласизки, ўрис миллатига мансуб кишилар чўчқа гўшти ва саласи бор жойда ўзларини томдан ташлашади.

Ўзимизнинг ўзбекларга эса, ош бўлса бас!

ana shunaqa gaplar

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» лицей-интернати томонидан 1997 йилда Бобир Қодиров номига берилган ORA N 000438 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультети жамоаси шу факультет докторанти Иномжон ҒАНИЕВга онаси

Марҳабо ҒАНИЕВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Фахриддин КАРИМОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-021. Тиражи 44.082. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6